Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

№ 185 (20. 153) • 1988 йил 13 август, • шанба • Баҳоси 3 тийин.

ХАЛҚАРО ФОЛЬКЛОР ФЕСТИВАЛИ ҚАТНАШЧИЛАРИ ВА МЕҲМОНЛАРИГА

Азиз дўстлар!

Москва шаҳридаги халқаро фольклор фестивали қатнашчиларн билан меҳмонларини самимий табриклаш имкониятидан астойдил шодман.

Сизларнинг халқ ижодиёти ёрқин байрамингиз халқаро кўламда маънавий қадриятларни самарали баҳам кўришни фаол ривожлантириш якдил истагида бўлган жаҳондаги турли мамлакатларнинг ҳар хил сиёсий эътиқоддаги намояндаларини тўплади. ЮНЕСКО эълон қилган маданият ўн йиллиги реал мазмун билан бойимоқда.

Бизнинг мамлакатимиз халқ ижодиётини ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни вужудга келтириш, маданий меросни сақлаб қолиш ва кўпайтириш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилмоқда. Совет кишилари меҳмондўстлиги, ижодий мусобақалашиш, бир-бирини тушунишга тайёрлик анъанавий муҳити, шубҳасиз, халқаро фольклор фестивалининг муваффақиятини таъминлашига ишончим комил.

Фестивалнинг ҳар бир қатнашчисига яхши кайфият, ёрқин таассуротлар ва унутилмас дўстона учрашувлар тилайман.

М. ГОРБАЧЕВ.

ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР ВА ДАВР ТАЛАБИ

КПСС XXVII съезди ва XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси ижтимоий фанлар олдига катта вазифалар қўйди. Ижтимоий фанлар ўз салмоғи жиҳатидан фақат идеология ва тарбия иши билан шуғулланиш эмас, балки кўпроқ фан методологиясини, қайта қуриш назариясини, социализмни ташкил этишнинг энг асосий форма ва методларини жорий этишни ўрганиши керак. Инсон омилини активлаштириш ва унинг ролини ошириш масалалари ҳар томонлама чуқур тадқиқ этилиши лозим.

ХЎШ, ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР ЎЗ ВАЗИФАСИНИ БАЖАРЯПТИМИ!

Ҳозирча бу саволга тўла жавоб бериб бўлмайди. Ўтмишда узоқ давом этган догматизм, субъективизм, авторитаризм, идеология ишидаги кўр-кўрона иш қилиш методикасининг таъсири ҳозир ҳам сезилиб турмоқда. Шунинг учун ҳам КПСС XXVII съездидан кейин ўтган даврда бутун мамлакатда, жумладан Ўзбекистонда ҳам ижтимоий фанларни давр талаблари асосида ривожлантириш борасида сезиларли бурилиш бўлганн йўқ. Агар шундай бурилиш бўлмаса, ижтимоий фанлар ҳар доим давр талабларидан орқада қолиб, бўлиб ўтган воқеаларни таҳлил қилиш билан шуғулланиб қолаверади. М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитетн 1988 йил июль Пленумида қилган докладида таъкидлаганидек, «баъзи олимларимиз қайта қуриш бошланишида қандай позицияда турган бўлсалар... ҳозир ҳам шундай позицияда турибдилар, қайта қуриш митинглар босқинчидан чиқиб, совет жамиятн турмушининг ҳамма соҳаларидаги чуқур ўзгартишлар ўзанига ўтганлигинн сезмаётгирлар. Бу эса чуқур илмий таҳлилни, ҳодисаларнинг моҳиятини тушуниб етишни, амалга оширилаётган жараёнларни идрок этишни талаб қилади. Менимча, жамиятшуносларимизда айни шу нарса етишмаяпти».

Ҳозирги куннинг энг асосий вазифаси мамлакатдаги социализм қуриш тарихини чуқур, илмий асосда одилона ёритиш билан бирга қайта қуриш ва жадаллаштиришнинг ҳозирги ҳолати ҳамда истиқболи билан боғлиқ масалаларга ҳам тўғри жавоб беришдир.

Ижтимоий фанлар олдидаги мана шу конкрет вазифалар XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида аниқ кўрсатиб берилди. Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин давом этган тарихий тараққиёт асосан Ленин кўрсатиб берган социалистик ривожланиш йўлидан борди. Лекин йигирманчи йиллар ўрталари ва ўттизинчи йиллардаги, шахсга сиғиниш, турғунлик давридаги субъективизм ва волюнтаризм авж олган пайтда социалистик демократия ва гуманизм принципларидан чекинишларга йўл қўйилди. Буларнинг ҳаммаси жамиятимизда мавжуд бўлган имкониятлардан фойдаланишга тўғоноқ бўлди. Натижада ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларида жуда катта йўқотишларга олиб келди. Демак, Ленин яратган социализм ҳақидаги буюк меросни чуқур ўрганиб, унда мавжуд бўлган бекиёс имкониятлардан тўла фойдаланиш ҳозирги куннинг долзарб вазифасидир.

Кейинги пайтларда совет халқининг 70 йил ичида босиб ўтган йўлини бутунлай қоралашга уриниш ҳолларн рўй бермоқда. Гўёки, мамлакат Ленин вафотидан кейинок социалистик тараққиёт принципларидан бутунлай чекиниб бошқача йўлдан борган эмиш. Агар ундай бўлса биз мамлакатимизнинг, совет халқининг фидокорона меҳнати ва КПСС раҳбарлиги остида қўлга киритилган улкан ютуқларни қандай изоҳлашимиз мумкин! Ахир бизнинг йўлимизда тасодифлар ва чекинишлардан ташқари ижтисодий, ижтимоий ва сиёсий муносабатларни ривожлантириш борасидаги катта ютуқлар ҳам бор. Шу сабабли ҳам мамлакатимиз жаҳонда йирик, тараққий этган давлатлардан бирига айланди. Тараққиётимиз жараёнида қўлга киритилган ютуқлар жаҳонда рўй бераётган революцион жараёнга ҳам катта таъсир кўрсатганини ҳам унутиб бўладими?! Бу воқеаларни баҳолашда ҳиссиётлар таъсирига берилмасдан, чуқур партиявийлик принципи асосида, илмий асосда, одилона ёндашмоқ керак.

Қайта қуриш ва жадаллаштиришни мамлакатимизда кенг кўламда бошланди. Лекин бу шунчаки иш, ютуқларни бугунги ёки эртанги кун билан чеклаш эмас. Қайта қуриш ва жадаллаштириш социализмнинг имкониятларидан тўла фойдаланиш ва уларни кенгайтириш билан боғлиқ бўлган узоқ даврга мўлжалланган жараён экан, у муаммога илмий асосланган, ижодий назария муҳитидагина муваффақиятли давом этиши мумкин. Ижтимоий фанларнинг вакиллари кичик жузъий масалаларни таҳлил қилиш билан шуғулланиб, бу муҳим ишни эътибордан четда қолдирмоқдалар. Қайта қуриш назарияси қандайдир мавҳум қоидалар йиғиндиси эмас.

Ҳозирги кунда гап қайта қуришга тўсқинлик қилаётган кишиларга қарши курашга эмас, балки унинг сохта «жонкуярлари устида ҳам бормоғи керак. Албатта, бу фикрлар қайта қуриш назарияси билан боғлиқ бўлган кўпгина масалалар мунтазам ижодий мунозаралар асосида ҳал этилмоғи керак деган ғояга қарши бўлмайди. Бу борада юксак ғоявий-сиёсий етуклик, чуқур илмий асосга таяниш лозим.

Қайта қуришнинг энг асосий шартларидан бири социалистик ишлаб чиқариш муносабатларини давр талаблари, фан ва техника ютуқлари асосида мунтазам ривожлатириб боришдир. Бу ҳам амалий, ҳам назарий масалалар. Назарий жиҳатдан бу социалистик ишлаб чиқариш муносабатларининг моҳияти, унда мавжуд бўлган зиддиятлар характерини ҳал қилиш йўлларини чуқур ўрганиш бўлса, амалий жиҳатдан эса иқтисодий-ижтимоий ва маънавий юксалишнинг ҳозирги жараёнларини ўрганиш, амалда истиқбол масалаларини кўрсатиб бориш дир. Афсуски, баъзи иқтисодчи, жамиятшунос, файласуф олимларимиз бу борада чуқур ва кенг кўламли иш олиб бораётганларн йўқ.

Илмий-техника тараққиёти атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масаласи билан ҳам боғлиқ. Ҳозирги кунда ҳам уни ҳал этишда жиддий камчиликлар юз бериб турибди. Ишлаб чиқаришни тараққий эттиришга, фан ва техника ютуқларидан фойдаланишга бир ёқлама қараш зарарли эканлигини ҳаёт кўрсатди. Жамиятшунос олимларнинг асарларида республикамизда саноатнинг ривожланиши, ирригация қурилишлари, янги ерларни кенг кўламда ўзлаштириш дабдабали ғалабалар сифатида тасвирланди. Лекин бу шошма-шошарлик билан қилинган ишларнинг атроф-муҳитга нисбатан катта таъсири ҳақида ўйлаб кўрилмади. Ахир атроф-муҳитга салбий таъсир этадиган химия саноати корхоналарининг 10 процентдан кўпроғи Ўзбекистонда жойлашганини нима билан изоҳлаш мумкин!! Биз кўп ҳолларда бугун ё эртага олинадиган маҳсулот ҳақида ўйлаймиз-у она-табиат, келажак авлод олдидаги масъулиятимизни унутиб қўямиз. Агар республикада 60-80 йилларда қилинган ишлар ҳақида олдиндан чуқур ўйлаганимизда Оролнинг ҳозирги аянчли тақдирига бундан чорак аср муқаддам чек қўйилган бўлур эди.

Жамиятшунос олимларимиз коммунистик тарбиянн амалга ошириш соҳасида ҳам пассив ишламоқдалар. Улар инсоннинг ички мураккабликлари, унинг ахлоқий-ғоявий камолотига таъсир этиш оғир ва масъулиятли эканлигини унутиб қўйдилар. Коммунистик тарбия ҳақидаги асарлар қандайдир ғалаба рапортларига ўхшаб кетар, инсон омили борасида қийинчиликлар ҳақида фикрлар айтилмас эди. Агар коммунистик тарбия асарларини тарозининг бир томонига, республикада рўй берган порахўрлик, ўғрилик, маҳаллийчилик, маънавий тубанлик ва бошқа салбий ҳолатларни иккинчи томонига қўйилса, масала ўз-ўзидан аён бўлиб қолади.

Атеистик тарбия борасида ҳам шундай аҳвол содир бўлди. Ютуқлар фақат рақамлар, ўтказилган тадбирларнинг сони билангина белгилаб келинди. Уларнинг самарадорлигини белгиловчи меъзонлар эса илмий асосда ишлаб чиқилмади. Бошқача айтганда, бу соҳада гап кўп бўлди. Амалий самара камайди.

Социалистик демократияни ривожлантириш ҳозирги куннинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Инсон учун эркинлик, ўз ҳуқуқларини тўла ҳимоя қилиш учун имкониятлар керак. Ўтмишда социализм принципларининг бузилиши тараққиётимизга катта доғ туширди. Кўплаб кишиларнинг қалбида жаҳолат изларн қолди. Ҳуқуқшунос олимларимиз ўз вақтида социал адолат принципларининг бузилиш сабабларини кўрсатиб бермадилар. Ҳозир ҳам бу масаланн чуқур илмий методология асосида ўрганиш эътибордан четда қолмоқда. Жамият сингари ҳуқуқий қонунлар ҳам ўзгариб, ривожланиб бормоқда. Бу борадаги турғунлик ижтимоий-сиёсий тараққиёт учун салбий таъсир этди. Олимларимиз ҳуқуқий тарбияга қайта қуриш ва жадаллаштиришнинг ҳуқуқий масалаларини ёритишга жиддий эътибор беришлари керак. Ҳуқуқий тарбиянинг эътибордан четда қолганлиги туфайли граждалар ўз ҳақ ва ҳуқуқларини ҳамиша ҳам ҳимоя қила олмаяптилар. Социалистик қонунчилик борасидаги энг қўпол хато шундаки, кўпгина раҳбарлар ва маъмурий органлар томонидан айрим совет кишиларининг ҳақ-ҳуқуқлари камситилди, оёқ ости қилинди. Ҳуқуқий тарбияда сифат ўзгаришига эришиш Ўзбекистон ССР Фанлар академияси фалсафа ва ҳуқуқ институти ва шу соҳа билан шуғулланувчи бошқа муассасалар олимлари зиммасига катта вазифалар қўяди.

Ҳозирги кунда тарихчи олимларимиз олдига ҳам катта вазифалар қўйилмоқда. Ўзбекистон партия ташкилоти тарихини қайтадан кўриб чиқиш ва объектив ёритмоқ зарур. Ўзбекистон ССР тарихини ёзишда ҳам догматизм ва конюнктурачилик, юзхотирчиликдан батамом қутулиш вақти келди. Тутуруқсизлик, воқеаларга баҳо беришда субъективизм таъсирига берилиш, илмий методологиядан чекиниш изланишда мавҳумликка олиб келадики, булар тарих фанининг илмий асосда ривожланишига йўл бермайди. Шу сабабли узоқ ўтмиш ва совет даври тарихида чуқур масъулият билан ўйлаб кўриб, кечиктирмай ҳал қилиниши керак бўлган масалалар кўпдир. Агар улар ҳал қилинмаса, республика Фанлар академияси яратаётган Ўзбекистон ССРнинг 8 томлик тарихини ҳам чуқур илмий асосда ёзиб бўлмайди. Шуни айтиш керакки, 1974 йилда нашр этилган Ўзбекистон Коммунистик партияси тарихи очерклари ҳозирги кун нигоҳи билан қайта кўриб чиқилишга муҳтож. КПСС тарихига оид бошқа асарларда ёритилган кўпгина масалаларни яна бир бор назардан ўтказиш керак. Олимларимиз кенг жамоатчилик ўқиши мумкин бўлган Ўзбекистон тарихига оид асарларни ҳам яратишлари зарур. Халқимиз бундай асарларга муҳтож.

Адабиёт ва тил тарихи, республикада юз бераётган ҳозирги адабий жараённи чуқур ўрганиш борасидаги вазифалар катта. Масалага миллий маҳдудлик, ўтмишни идеаллаштириш ва замоннинг ҳар қандай «талаблари»га қараб ифодалаш асосида ёндашиб бўлмайди. Адабиёт ҳамма вақт ҳам ижтимоий-сиёсий жараёнларни ўзида акс эттириб келган. Унга синфийлик ва партиявийлик нуқтаи назаридан қарашни унутмаслик, бадиий асарларнинг тарбиявий аҳамиятини эътибордан четда қолдирмаслик талаб этилади.

Ҳозирги кунда жамиятимизда миллатлараро алоқалар воситаси бўлмиш рус тилининг роли ортиб бормоқда. Ўтмишда бу масалани тушунишда дабдабабозлик ва рақамбозлик таъсирига берилиб, масаланинг айрим ҳолатларини, туб моҳиятини унутиб қўйдик. Бу ҳолат кўпгина ёшларнинг, айниқса қишлоқ ёшларининг рус тилини яхши билмаслигига олиб келди. Рус тили ҳар бир киши маънавий камолотида муҳим роль ўйнашини унутиб бўлмайди.

Ўзбек тилининг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари ҳақида ҳам чуқур, комплекс тадқиқот зарур. Республикада яшовчи бошқа халқларнинг тилларн ривожланиши масаласи ҳам илмий изланишлар планларида катта ўрин тутиши керак. Интернациональ тарбияга оид бўлган назарий масалаларни ёритиш ва амалий тажрибаларни чуқур ўрганиш ҳам жамиятшунос олимларимизнинг бурчидир.

Мамлакатимизда яшовчи ҳар бир миллат ва халқнинг тақдирини бир-биридан ажратиб қараш мумкин эмас. Биз барча ютуқларга халқлар дўстлиги туфайли эришдик. Кун тартибидаги улкан режаларимизни ҳам шу дўстликни мустаҳкамлаш асосида бажара оламиз. Республикамиз жамиятшунос олимлари бу вазифаларни бажаришга ўзининг бутун кучини, истеъдоди ва ақл-идрокини сафарбар этишлари даркор.

ПАХТАКОР ЎРТОҚЛАР!

АВГУСТНИНГ ҲАР КУНИ ҒАНИМАТ!



Меҳнатобод районидаги Ғанишер Юнусов номли совхоз пахтакорлари бу йил 3818 гектар майдондаги ғўзаларни меҳр билан парвариш қилмоқдалар. Уларнинг ниятн—пландаги 5445 тонна ўрнига 5800 тонна «оқ олтин» етиштириш. Далаларда 42 та чопиқ трактори юксак унум билан ишлатилаётнр. 350 сувчи пайкалларга сув тарамоқда.

Суратда: (чапдан) бўлим бошлиғи Муллажон Исаев ва механизатор Рустам Солиев.

В. ТЎРАЕВ фотоси.

• *Техника теримга тахтми?*

ҲАМ ХУШ, ҲАМ НОХУШ

Бободеҳқонлар ҳисобига кўра Сурхон воҳасида бу йил саратон иссиғ келиб, пахта одатдагидан 10 кун олдин етилмоқда. Демак, йиғим-теримга саноқли кунлар қоляпти. Бу ҳол деҳқонларни ҳам, механизаторларни ҳам ғайрат билан меҳнат қилишга, терим техникасини мавсумга тахт қилиб қўйишга даъват этяпти.

Хўш, техника тайёргарлиги қалай? Аввало шуни айтиш керакки, ҳозир областдаги колхоз ва совхозлар ихтиёрида 3637 та терим агрегати, 1070 та кўрак чувийдиган механизм, мингдан зиёд трактор прицепи, 900 дан ортиқ пуркагич ва чанглатгич аппаратлари мавжуд. Мавсумда машиналар кучи билан ҳосилнинг тенг ярми — 240 минг тоннаси териб олиниши, ҳар бир агрегат бункеридан 70 тоннадан «оқ олтин» тўкилиши мўлжалга олинган.

Ленин йўли, Шўрчи ва Денов районлари хўжаликларида агрегатлар ремонти вақтида сифатли тугалланди. Экиш сеялкалари, борона ва чизеллар каби механизмлар ҳам шай. Созланган барча техника воситалари давлат стандарти талаблари даражасида сақланмоқда.

Шунга қарамай, терим техникасини область бўйича мавсумга тайёрлаш ҳақида шу йил 1 августгача бўлган маълумотларга кўз югуртирсангиз, ноҳуш аҳвол намоён бўлади: ўтган йилнинг шу даврига нисбатан терим агрегатлари 6 процент, кўрак чувийдиган машиналар — 3, кўрак юладиган механизмлар ҳам 3 процент ҳам ремонт қилинганлигини қандай баҳолаш мумкин?

Шеробод, Гагарин районларининг колхоз ва совхозлари раҳбарлари турли асоссиз баҳоналарни рўкач қилиб, терим машиналари ремонтини чўзиб келмоқдалар. Шу кунгача Шеробод районидаги 771 машинадан 526 таси ёки 75 процентн «тайёр» деб маълумот берилди. Ўртоқ Ф. Маматқулов бош инженер бўлган Н. Муродов номли совхозда 90 та пахта териш машинасидан энди 65 таси (ёки 72 процентн) қўлдан чиқарилди. Ҳозирги долзарб кунларда ремонт ишларига бор-йўғи 7 слесарь ажратилган, холос. Худди шундай аҳволга «Партия XXV съезди» совхозида ҳам дуч келиш мумкин. Бу ердаги 120 та пахта териш машинасидан эндигина 71 таси наридан-бери ремонт қилинди. Гагарин районидаги 640 терим агрегатидан ҳозиргача 150 тасига қўл ҳам урилгани йўқ. Ж. Турсунов директор бўлган «Навбаҳор» совхозидаги аҳвол, айниқса, ташвишли. Хўжалик бош инженери М. Абдушукуров гўё ҳеч нарса бўлмагандек хотиржам. Ўтган йили совхоздаги 103 та пахта териш машинасидан фақат 50 таси ишлатилиб, қолганлари қантариб қўйилганди. Бу йил эса ҳозирданоқ «машиналарнинг тенг ярми тахт» деб рапорт берилган.

— Бу ғирт ёлғон, — деди яқинда бўлиб ўтган механизаторлар кенгашида область агросаноат комитети раисининг механизация ва электрлаштириш ишлари бўйича ўринбосари У. Менглибоев, — 24 та терим машинаси «схемаси тўғри келмайди» деган важ-карсон билан талон-тарож қилинган. 2 та «НШ-50» маркали гидронасос «яроқсиз»га чиқарилиб, бошқа маркали кучсиз насосларга алмаштирилган.

Райондаги «Пограничник» совхозида ҳам аҳвол яхшимас. Терим машиналари, кўрак узадиган ва чувийдиган механизмларнинг учдан бири ремонтига ҳануз киришилмаганлигини қандай изоҳлаш мумкин? Трактор прицепларининг қарийб 5 дан бири ремонт кутиб ётибди.

Шўрчидаги ихтисослашган ремонт устахонаси ишида фаоллик сезилмаяпти. Ангор районидаги айрим хўжаликларда ремонтчи-слесарлар полиз маҳсулотлари йиғим-теримига сафарбар этилганлигига нима дейсиз?

Сариосиё районидаги айрим консерваторлар техника ремонтига турли йўллар билан тўғаноқ бўлишяпти. Жумладан, Ж. Пирназаров номли, «Правда» газетаси» номли колхозларнинг бош инженерлари Ҳ. Холмуродов, А. Холмирзаевлар «бизда уруғлик пахта етиштирилади» деган баҳона билан йил сайин машина теримини барбод бериб келяптилар. Хўжаликлар ихтиёридаги 30 та терим машинасидан эндигина 9 таси ремонтга қўйилгани бунинг яққол далилидир.

Термиз районида ҳам аҳвол шу. Мавжуд терим агрегатларининг учдан бири занг босиб ётибди. «Гулбаҳор» совхозида 32 та терим агрегатидан 25 таси номигагина ремонт қилинган бўлса-да, инженер Б. Қулсоатов шошилмаяпти. Хўжаликда ремонтчи-слесарларга қулай шароит яратилмаган.

Қумқўрғон район ремонт ишлаб чиқариш корхонаси бошлиғи Ўрол Раймов билан суҳбатлашсангиз, ҳамма ишлар рисоладагидай кўринади. Аслида аҳвол бошқача: район хўжаликларидаги 337 терим агрегатидан 283 тасини «тайёр» деб маълумотга тиркалгани алдоқчилик эмасми? «ВЛКСМ 30 йиллиги», «Ўзбекистон», «Пахтакор» совхозларида ҳам талай терим агрегатларига қўл урилган эмас.

Шуни таъкидлаш керакки, область хўжаликлари тасарруфидаги «МТЗ-80» маркали 2632 та ва «Т-28» маркали 800 та тракторларга терим агрегатлари аппаратлари бугунги кунлардаёқ осиб қўйилиши керак. Бироқ ҳозир уларнинг 2437 таси ғўза культивациясида ишлатилаётганлиги сабабли, техника қаровидан ўтказиш, жорий ремонт қилиш, теримга тахтлаб қўйиш имкони бўлмаётир. Бироқ вазият ишни тезлаштириш зарурлигини тақозо қилмоқда.

Хуллас, Сурхондарёда машина терими бошланишига узоғи билан бир ой фурсат қоляпти. Мутасадди ташкилотларнинг раҳбарлари, агросаноат комплекси ходимлари бу ҳақда жиддий ўйлаб кўрмоқлари, иши бугунги кун талаблари нуқтаи назаридан ташкил этишга эришмоқлари зарур.

А. ХАЛИЛОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

• *Ягона сиёсий кун*

ҲАРАКАТЛАР, КОНКРЕТ ИШЛАР ДАВРИ

«Ташсельмаш» заводида иш сменаси тугагандан кейин корхона раҳбарлари цех ва бўлимларга келдилар. Уларнинг меҳнат коллективлари билан учрашувларда айтадиган ва диққат билан тинглайдиган гаплари бор эди. Завод олдида қишлоқ меҳнатчиларини пишиқ-пухта пахта териш техникаси билан таъминлашдек жиддий вазифалар турибди. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аҳолига пулли хизмат кўрсатиш, коллективнинг социал масалаларини ҳал этиш — ҳозирги яна бир муҳим вазифадир. Суҳбатлар вақтида мавжуд камчиликларни бартараф этишнинг конкрет йўллари белгиланди, ҳар бир кишининг ўз ўрнидаги иш натижалари учун масъулияти таъкидлаб ўтилди.

12 август куни Ўзбекистон корхоналари, ташкилотларида, колхозлари ва совхозларида Ягона сиёсий кун бўлиб ўтди. Унинг қатнашчилари КПСС Марказий Комитети 1988 йил июль Пленумининг материалларини муҳокама қилдилар. Бу Пленум XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси қарорларини амалда рўёбга чиқаришга қудратли туртки берди. Шундай масалаларга катта эътибор берилдики, уларнинг ҳал этилиши одамларнинг турмушини яхшилаш имконини бериб, демократияни ривожлантиришга кўмаклашиши лозим.

Сўзга чиққан кишилар жамиятимиздаги революцион ўзгартишлар партиянинг ташаббуси билан амалга оширилаётганлигини таъкидладилар. Зотан ҳар бир коммунист қайта қуриш учун кураш авангардида бўлиши керак. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми партия ташкилотларининг активлиги ва ролини қатъиян кучайтиришни талаб қилди. Партияда бошланган ҳисобот — сайлов кампанияси қайта қуришни чуқурлаштириш, сиёсий системани ислоҳ қилиш, партия ва бутун жамият турмушини янада демократиялаш борасида конференция ишлаб чиққан йўл-йўриқларни амалга оширишда муҳим босқич бўлиб қолиши лозим.

Ягона сиёсий кунда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзолари, Ўзбекистон Компартияси Ревизия комиссиясининг аъзолари, область, шаҳар ва район партия комитетларининг секретарлари, совет ва жамоат ташкилотларининг, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари меҳнат коллективлари ҳузурида сўзга чиқдилар.

Ягона сиёсий кунда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

Тюмень областида Ўзбекистон кунлари

СИБИРЬ ДИЁРИДА ДЎСТЛАР УЧРАШУВИ

ТЮМЕНЬ, 12 август. (ЎзТАГ махсус мухбирлари Б. Ҳасанов, И. Хисомовдан телефон орқали олинди).

Сибирь шаҳридаги марказий кўчаларнинг биридаги катта қозон кўпчилик йўловчиларнинг эътиборини тортди. Тошкентлик ошпаз Раҳмат Тўлаганов палов пиширишни учун ўчоққа ўт қалаётган эди. Ана шу манзара бугун бу ерда очиладиган Ўзбекистон кунларининг дастлабки белгиларидан бири бўлди.

Республикамиз меҳнаткашлари Тюмень области билан дўстлик алоқалари ўрнатганлар. Ўзбекистоннинг 3 мингдан ортиқ вакили бошқа кўпгина республикаларнинг намояндалари билан биргаликда мамлакатимиздаги энг катта ёқилғи-энергетика комплекси қурилишларида ишламоқда: улар нефть қудуқларига хизмат қилмоқдалар, уйлар қурмоқдалар, йўллар солмоқдалар.

Амалий ҳамкорлик маданий алоқалар билан мустаҳкамланмоқда. 6 кун давом этадиган Ўзбекистон ССР кунлари маънавий қадриятларимизнинг кўриги, Сибирь меҳнаткашлари олдида, ўз уйларидан олисда меҳнат вахтасини давом эттираётган юртдошларимиз олдида ижодий ҳисобот бўлиб қолади.

Ўзбекистон дўстлик байрамига икки юздан ортиқ вакилини юборди. Улар орасида балет артистлари, вокал ва рақс коллективлари, рассомлар, шоир ва ёзувчилар, халқ санъати вакиллари бор. Область марказидаги ҳамда янги Няганъ марказидаги саҳналарда, маданият уйларида, вахта посёлкаларида республика халқ артистлари Ш. Жўраев, Р. Ёқубов, Д. Жабборова, М. Аҳмедова, К. Раҳимов, Қорақалпоғистон АССР халқ артисти М. Ҳўжаниёзов, машҳур «Садо», «Наво» группалари, «Шодлик» ашула ва рақс ансамбли ҳамда кўпгина бошқа истеъдоди ижрочилар ўз маҳоратларини намойиш қиладилар.

Тюменда очилган кўргазмада Ўзбекистон рассомларининг сўнгги йигирма йил ичида яратилган энг яхши асарлари, халқ усталари ясаган буюмлар қўйилган.

Ўзбекистон делегацияси В. И. Ленин ҳайкали пойига гуллар қўйди.

12 август куни кечқурун Тюмень ва Няганда Ўзбекистон ССР кунлари очилишига бағишланган тантаналар бўлди. Уларда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси П. Қ. Ҳабибуллаев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари А. С. Икромов, КПСС Тюмень область комитетининг биринчи секретари Г. П. Богомяков иштирок этдилар.

БАЙРАМИНГ МУБОРАК, ҲИНДИСТОН

Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон Республикасини мустаҳкам дўстлик ришталари боғлаб турибди. Тошкент жамоатчилиги вакилларининг 12 августда бўлган тантанали йиғилиши шу республика мустақиллигининг 41 йиллигига ва СССР билан Ҳиндистон ўртасида тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартноманинг 17 йиллигига бағишланди. Йиғилишда Ўзбекистон пойтахти олий ўқув юртларида таълим олаётган ҳинд студентлари қатнашдилар. Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министри С. О. Азимов доклад қилди.

Доклад ва нутқларда таъкидланганидек, СССР ҳамда Ҳиндистонда бўлиб ўтган фестиваль тантаналари икки мамлакат халқлари ўртасида мустаҳкамланиб бораётган ҳар томонлама дўстлик алоқаларининг янги ёрқин намойишига айланди. Совет-Ҳиндистон фестивали Ўзбекистон тупроғида ҳам ажойиб дўстлик байрами сифатида ўтди, у республиканинг минглаб аҳолисини Ҳиндистоннинг бой маданиятидан баҳраманд қилиб, ҳаммани қувонтирди. Ўзбекистон ССР билан Ҳиндистон ўртасидаги маданий, иқтисодий, илмий алоқалар муттасил ривожланмоқда.

Йиғилишда Ҳиндистон Республикасининг Тошкентдаги Бош консули Йогендра Кумар нутқ сўзлади.

Йиғилишда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. В. Сударенков иштирок этди.

(ЎзТАГ).

• Партия турмуши: ҳисобот ва сайловлар

ЮЗАКИЧИЛИК УСТУН КЕЛДИ

БУ ЭСА ПЕШКУ РАЙОНИДА ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВ ЙИҒИЛИШЛАРИ ГРАФИГИГА ЎЗГАРТИШ КИРИТИШГА САБАБ БЎЛДИ

Дала шийпонидаги сокинлик бу ерда ҳеч қандай йиғилиш бўлмаётганидан далолат берарди. Пешку район партия комитети ташкилий бўлимининг инструктори М. Бозоров бундан саросимага тушиб қолди. Сабаби — ярим соат муқаддам у райкомда графикка қараб худди шу бригада партия группасида ҳисобот-сайлов йиғилиши бошланганини айтган, биз эса унда иштирок қилиш хоҳишини билдиргандик.

...Шийпоннинг ўртасида кимдир узала тушиб ётар, бир четда колхозчи қизлар гурунглашиб ўтиришарди.

Деворга осиғлиқ бир парча қоғоз диққатни жалб қилди. Унда партия группаси ҳисобот-сайлов йиғилиши 4 август соат ўн иккида бошланиши маълум қилинган. Биз райкомдаги рўйхатга ишониб, икки соат кечикиб келган эдик. Оддий англашилмовчилик юз берганига ишонч ҳосил қилган инструктор ҳам енгил нафас олди.

Партия группасининг ташкилотчиси Акрам Носиров берган изоҳ ҳамма нарсага аниқлик киритди:

— Биз аввал йиғилишни тушликдан олдин ўтказишни планлаштиргандик. Ҳамма тўпланиб партком секретари келавермагач, коммунистлар талаби билан йиғилишни бошладим. Ҳисобот доклади пайтида секретарь ҳам келиб қолди. Кейин музокаралар бўлди...

Биз группа ташкилотчисидан ҳисобот докладининг нусхасини кўрсатишни илтимос қилдик. У ҳижолатомузлик билан уч варақ қоғозни қўлимизга тутқазди. Унинг ҳар бир варағи турли дастхатлар билан ёзилган, фактлар, фамилияларнинг ўрни бўм-бўш турарди. Кейин маълум бўлишича, доклад шоша-пиша ёзилган, аммо группа ташкилотчиси уни ўқиб ўтирмай, қисқа ва лўнда қилиб, бир йилда бажарилган ишларни санаб ўтган.

Коллективнинг иши эса чакки эмас. Ўтган йили 2-бригада хўжаликда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш планини бажарди. Ҳосилнинг ярмидан зиёди машиналар билан териб олинди. Агар Ибн Сино номли колхознинг ўзи пахта тайёрлаш йиллик планини атиги 78 процентга етказгани, бошқа муҳим кўрсаткичларни ҳам барбод қилгани назарда тутилса, бу муваффақиятлар янада чуқур мазмун касб этади. Демак, группа коммунистлари самарали меҳнат қилишди, бригаданинг барча аъзоларини ўзларига эргаштира олишди. Коммунистлари шу группага уюшган 1-бригада ҳам ўтган йилни ёмон якунлагани йўқ.

Худди мана шундай шароитда ҳисобот-сайлов йиғилишини хўжаликда намунали тарзда ўтказиш, унга колхоз раҳбарлари, бош мутахассислари, партия активини таклиф қилиб, коллектив тажрибасини ҳар томонлама ўрганиш ва оммалаштириш учун фойдаланиш зарур эди.

Бироқ партия комитети секретари Ж. Остонов бундай қилиш у ёқда турсин, аксинча, ўзи йиғилишга кечикиб келди, ҳисобот докладини тайёрлашда у гўё «мустақил ишлашни ўргансин» деган баҳона билан группа ташкилотчисига ёрдам кўрсатмади. Йиғилишда коммунистларнинг актив иштирок этишини таъминлай олмади. Натижада С. Рўзиева, Д. Раҳмоновдан бошқа ҳеч ким музокарада иштирок этгани йўқ. Билдирилган танқидий фикрлар эса дала шийпони шифтини фанер билан қоплаш кераклигидан нарига ўтмади. Сирасини айтганда, ҳисобот-сайлов йиғилиши расмият учунгина ўтказилди.

Бундан бир неча кун илгари район партия комитети «Пешку» совхозининг 1-бўлимидаги партия группаларидан бирида намунали ҳисобот-сайлов йиғилишини ўтказди. Унга барча партком секретарлари қатори Ж. Остонов ҳам таклиф қилинди. Райкомнинг ташкилий бўлими ҳамма партия ташкилотларига ҳисобот докладларининг схематик планини, бошқа ҳужжатлар намуналарини тузиб тарқатди. Цех партия ташкилотлари ва партия группалари ҳисобот-сайлов йиғилишларига қатнашадиган сайланма актив, аппарат масъул ходимлари аниқ белгиланди.

Ибн Сино номли колхознинг биринчи ва иккинчи бригадалари партия группасида бўладиган йиғилишга эса партком секретари Ж. Остоновнинг ўзи масъул қилиб белгиланди. Бироқ секретарь бу ишга масъулиятсизлик билан ёндашди, йиғилишнинг расмиятчилик билан ўтказилишига йўл қўйди, райкомга нотўғри маълумот бериб уни чалғитди.

Албатта, мана шу мисолга таяниб, район партия ташкилоти қуйи бўғинларида барча ҳисобот ва сайловлар шу тарзда ўтяпти, деб баҳолаш мумкин эмас. Худди ўша куни райондаги «Ленинизм» колхози 4-бригадаси партия группасида ҳисобот-сайлов йиғилиши чинакам қайта қуриш руҳида ўтди.

Партия группаси ташкилотчиси Шоназар Саидов қилган ҳисобот докладида ўн тўққиз коммунистнинг ҳар бири фаолиятига принципиал баҳо берилди, ишлаб чиқариш ва соцал вазифаларни бажаришдаги нуқсонлар очиқ кўрсатилди. Доклад юзасидан музокараларда ўн коммунист иштирок қилди. Б. Сатторов, Н. Ҳамдамов, Қ. Қобилова, Р. Ниёзова, Ю. Бердиев, А. Ражабова каби партия аъзолари XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси ва КПСС Марказий Комитети июль Пленуми материалларини ўрганишни ташкил қилиш, бригада аъзоларининг маданий маиший шароитларини яхшилаш, коммунистлар жанговарлигини ошириш юзасидан қимматли таклифлар киритишди. Йиғилиш ушбу таклифларни амалга ошириш бўйича конкрет тадбирлар ишлаб чиқди, уларни бажариш ишига ҳар бир коммунист масъул қилиб белгиланди. Яна бир неча партия группаларида йиғилишлар мана шундай руҳда ўтди.

Аммо ҳисобот-сайлов йиғилишларини эскича қолипда ўтказган партия группалари ҳам бўлди. Бундай аҳвол ўз навбатида КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг «Партия ташкилотларида ҳисобот ва сайлов тўғрисида» қабул қилган қарори ҳамма ерда ҳам атрофлича ишлаб чиқилмаганлигини тасдиқлайди.

Тўғри, Ибн Сино номли колхоздаги партия группасида рўй берган расмиятчилик райондаги барча ҳисобот-сайлов йиғилишлари жадвалига ўзгартиш киритишга мажбур қилди. Ўша куни оқшомдаёқ райкомда барча партия ташкилотлари секретарлари иштирокида ўтказилган йиғилишда Ж. Остоновнинг қилмишига принципиал баҳо берилди.

Н. НАИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Дунё овози


АФҒОНИСТОН ҚОРАЛАЙДИ

Женева битимлари кучга киргандан буён икки ярим ойдан кўпроқ вақт ўтди, Покистонда эса оппозициячи группалар тайёрлаш ва уларни қуроллантириш базалари ҳамон ишлаб турибди. Бу эса ана шу битимларни очиқдан-очиқ бузишдир, дейилади Афғонистоннинг БМТ ҳузуридаги доимий вакили Шоҳ Муҳаммад Дўстнинг БМТ Бош секретари Х. Перес де Куэльяр номига ёзган ва бу ерда эълон қилинган мактубида.

Ҳужжатда таъкидланадики, Покистон Женева битимларини бузиб, ўз территориясида ҳукуматга қарши афғон тўдалари вакилларидан иборат ўтиш даври ҳукумати деб аталган ҳукумат тузилишига йўл қўйди. Покистон маъмурларининг рухсати билан қуролли оппозициячи группаларнинг катта отрядлари Афғонистон территориясига юборилмоқда, БМТ кузатувчилари эса турли баҳоналар билан қурол-яроғлар омборлари жойлашган районларга бориш имкониятидан маҳрум қилинмоқда. Покистон орқали кўп миқдорда ракета етказиб берилганлиги натижасидагина Кобул ва бошқа шаҳарларни ракета билан ўққа тутиш мумкин бўлди. Бундан ташқари, Покистоннинг қуролли кучлари оппозициячи афғон тўдаларига уларнинг кўпорувчилик фаолиятида очиқдан-очиқ ёрдам бермоқда ва ҳатто Афғонистонга қарши қаратилган иғвогарлик ҳаракатларида бевосита иштирок этмоқда. Қочоқлар Афғонистонга қайтиш имкониятидан маҳрум қилинмоқда, чунки ватанига қайтиш нияти борлиги шубҳа қилинган кишилар мунтазам таъқиб қилинмоқда.

Покистон маъмурлари, дейилади сўнгра мактубда, Афғонистондаги экстремист тўдаларга Покистон орқали қурол-яроғ ва ўқ-дори етказиб бериш йўлларини текшириш учун БМТ кузатувчиларининг доимий постларини тузишга рухсат бермадилар. БМТнинг Исломободдаги кузатувчилар группаси шу вақтга қадар тегишли транспорт воситалари, энг аввало вертолётлар билан таъминланмаган. Ҳолбуки, Женева битимларига мувофиқ, Покистон маъмурлари уларни инспекция ўтказиш учун транспорт воситалари билан таъминлаши керак эди.

(ТАСС).



Хитойда кейинги йилларда кўрилган ташкилий чоралар туфайли илмий-тадқиқотлар базаси мустаҳкамланди, халқ хўжалигининг техникавий жиҳозланиш даражаси ўсди.

СУРАТДА: Сичуань вилоятидаги Фуцзян заводида ишлаб чиқарилаётган ультратовуш диагностикаси учун асбоблар. **Синьхуа — ТАСС фотоси.**

ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗМ — БАЙРОҒИМИЗ

ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИ АБАДИЙ

ДУШАНБЕ, 11 август. (ТАСС мухбири). Бугун Тожикистон пойтахтида ўзбек китоблари магазини очилди. Бу яқин орада республика шаҳарларида очиладиган тўртта ихтисослашган магазиннинг биридир. Дастлабки харидорлар Ўзбекистонда нашр этилган янги китобларни сотиб олдилар.

Ўзбекистонда нашр этилган китобларни тарқатиш Тожикистон билан Ўзбекистон ўртасида маданий ҳамкорлик ва ўзаро алоқаларни кенгайтириш планида кўзда тутилган. Бу планни амалга оширишда турли министрликлар ва идоралар, жамоат ташкилотлари қатнашмоқда.

Бадиий коллективларнинг бир-бирларига гастрол билан боришлари ҳам кучайди. Лоҳутий номли тожик академик драма театри коллективи яқинда Самарқанд область саҳналарида ўз спектаклларини намойиш қилди. Пушкин номли Ленинобод музикали комедия театри Бухорода тез-тез меҳмон бўлиб туради. Ўзбек драма театри ва бошқа театр коллективларининг Тожикистонга гастроллари ҳақида ҳозирдаёқ эълон қилиб қўйилган.

Ўзбекистонда тожик тили ўқитиладиган бир қатор янги мактаблар ва синфлар очилиши муносабати билан Тожикистонда чиқариладиган дарсликлар анча кўп етказиб берила бошлади. Ўқитувчи кадрлар билан алмашиш ҳам йўлга қўйилди.

Тожикистон ва Ўзбекистон фанлар академияларининг биргаликдаги илмий тадқиқот ишлари программаси ҳам рўёбга чиқарилмоқда.

Шоир Мирзо Турсунзода айтганидек, ўзбеклар ва тожиклар бир дуторнинг икки торидир. Улар дўстлик ришталарини авайлаб асрамоқдалар.

ТОШКЕНТДА КЎРИШГУНЧА ХАЙР

ХАБАРОВСК. (ТАСС мухбири). Амур бўйидаги шаҳарда Ўзбекистон мўйлақам усталари асарлари кўргазмаси очилди. Бу асарларда юртдошларимизнинг байрам ҳамда иш кунлари акс этган. Узоқ Шарқ бадиий музейи залларида 60 дан ортиқ пейзажлар, портретлар, натюрмортлар, мавзу картиналари намойиш этилмоқда. Улар орасида СССР халқ рассоми Р. Аҳмедов, Ўзбекистон ССР халқ рассомлари Н. Қўзибоев, Ч. Аҳмаров, А. Абдуллаев ва қардош республикадаги бошқа етакчи рангтасвир усталарининг асарлари қўйилган.

— Бу кўргазма Ўзбекистон рассомлари билан ижодий алоқаларимизга асос солди, — дейди музей директори В. Запорожская. — Хабаровск шаҳрида ҳамдўстлик доирасида ўзбек санъаткорларининг шахсий кўргазмалари очилади. Тошкентда, республиканинг область марказларида тасвирий санъат мухлислари Узоқ Шарқ рассомлари санъати билан танишадилар.

• Қайта қуриш: социал адолат сари йўл

АҲВОЛ ЎНГЛАНИБ БОРЯПТИ

КПССнинг XIX Бутуниттифоқ конференцияси социал соҳани ривожлантириш борасида меҳнаткашларнинг моддий-маиший ва маънавий эҳтиёжларини қондириш ҳақидаги ғамхўрликни кучайтириш, социал адолат принципини изчиллик билан қарор топтириш, қонунларга аниқ-равшан риоя этиш вазифаларини қўйди.

Конференция делегатлари экономика ва социал соҳада маъмурий зўравонлик, одамларнинг ҳуқуқлари ва эҳтиёжларига расмиятчилик билан лоқайд муносабатда бўлиш, жамоатчилик фикри ва меҳнаткашларнинг ижтимоий тажрибасига менсимай қараш сингари хунук ҳолларни ғазаб билан қораладилар. Бу ўсимталар турғунлик даврининг — демократик ташкилотлар бўғиқ ҳолда бўлганлигининг натижасидирки, улар жамиятни революцион янгилаш мақсадлари ва вазифаларига асло тўғри келмайди.

Маълумки, турғунлик йилларида бизнинг республикамизда порахўрлик, кўшиб ёзишлар, «обрў келтирадиган» турли хилдаги объектларни кетма-кетига қуришга бўлган интилиш ашаддий тус олди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми буларга ва бошқа салбий ҳолларга қарши аёвсиз кураш эълон қилди.

Бир пайтлар республикамиздаги барча область марказларида Ўзбекистоннинг биринчи раҳбари учун қароргоҳлар ва саройлар бунёд этиш рағбатлантирилган эди. Бу шахс областга келганида ана шу жойларда бир-икки кун турарди. Мазкур қароргоҳларга олиб борадиган махсус темир йўл шохобчалари қуриларди. Халқ уларни заҳархандалик билан «Рашидов тупиклари» деб атаганди.

Унинг қўл остидагилари ҳам «хўжайин»дан орқада қолишни исташмасди. Меҳнатсевар халқ ажойиб маъмурий бинолар қандай қурилаётганлигини, шаҳар атрофларида чорбоғлар ва боғли кошоналар «ҳокимиятнинг олий эшелони»дагилар учун қўзиқориндай пайдо бўлаётганлигини алам ва изтироб билан кўриб турарди. Айни пайтда эса социал соҳа объектлари — уй-жойлар, касалхоналар, мактаблар қурилиши тўхтатиб қўйиларди ва қисқартириларди.

Айрим хушомадгўйлар саройни ким чиройлироқ қуриш борасида бир-бирлари билан мусобақалашаётганга ўхшардилар. Шу билан бирга ўзларини ҳам унутмасдилар. Лаганбардорларнинг ҳар бири ўз атрофида «шахсга сиғиниш» вазиятини вужудга келтирарди. Масалан, Рашидовнинг яқин қариндоши — Самарқанд область ижроия комитетининг собиқ раиси Ҳамроқулов янги маъмурий бинода мармар тахта ўрнатишни буюрди. Ундан бу «осмонўпар» бино қурилишига шахсан у раҳбарлик қилганлигини билиб олиш мумкин эди. Аммо, самарқандликлар у бир кетмон бўлса ҳам бино пойдеворига тупроқ ташлаганлигини эслай олмайдилар.

Одамларнинг эзгу орзу-умидларига менсимай муносабатда бўлишга оид бундай мисолларни анчагина келтириш мумкин. «Обрў келтирадиган» объектлар қурилишига берилиб кетиш касалига кўплаб одамлар чалинган эди. Тошкент марказида комсомол Марказий Комитетининг янги биноси кўкка қараб бўй чўзди. Ленин номли майдонда жойлашган комсомол Марказий Комитетининг эски биносидаги бўёқлар қуримай туриб шундай қилинганига нима дейиш мумкин?!

Социал-маданий-маиший объектлар қурилиши кўплаб тўхтатиб қўйилаётган, уларнинг қурилиши плани йилдан-йилга кўчирилаётган бир пайтда шундай бўлди. Касалхоналар ва поликлиникалар, болалар боғчалари ва мактаблар, театрлар ва маданият уйлари қурилиши узоқ чўзиладиган объектларга ёрқин мисолдир. Шуни айтиш кифояки, соғлиқни сақлаш органлари фойдаланаётган биноларнинг атиги 20 процентдан сал кўпроғигина типовойдир. Қолганлари эса мослаштирилган биноларга жойлаштирилган бўлиб, уларнинг аксариятида канализация йўқ. Бу биноларнинг ҳар учдан бири иссиқ сув у ёқда турсин, совуқ сувга ҳам эга эмас. Биноларнинг 10 проценти шу даражада путурдан кетганки, уларда туришнинг ўзи хавотирлик туғдиради.

Республика партия ташкилоти мана шу шармандали ҳолларнинг ҳаммасини очиб ташлаб, принципиал партиявий баҳо бериш билан бирга социал адолатсизликка барҳам бериш йўлларини ҳам белгилади. КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленуми салбий ҳолларга қарши курашга янги омил бағишлади.

Коммунистлар қайта қуришни ўзимиздан бошлашимиз керак деб қатъий фикр билдирдилар. Ленинчасига камтарлик, фикр-ўйларнинг мусаффолиги, одамлар учун иложи борича кўпроқ иш қилиш — ҳақиқий партия аъзосининг фазилатларидир. Бироқ, шаҳарлар ва посёлкалардаги энг яхши биноларни партия органлари эгаллаб турган бир пайтда камтарлик тўғрисида гапириш жоизми? Бундай ҳолга аслида шундай бўлиши керак, деб қараб келинарди. Область, шаҳар, район партия комитетлари биринчи секретарларининг, ижроия комитет раисларининг кабинетлари савдогарларга хос дабдаба билан жиҳозланиб, гўёки бу улкан кабинетда ўтирадиган кишининг ниҳоятда муҳим шахс эканлигини кўрсатиб туриши керак эди. Айрим партия тўралари айнан коммунистлар уни партия комитети секретари лавозимига сайлаб ҳокимият берганликларини хаёлларига ҳам келтирмасдилар.

Область, шаҳар ва район партия комитетларининг 150 та маъмурий биноси текшириб чиқилди. Кабинетларнинг ҳаддан ташқари ортиқча саҳнлари норматив кўрсаткичларга мослаштирилди. Бўшаб қолган хоналар эса ишчи кабинетларига айлантирилди.

Узоқ йиллар давомида партия комитетлари учун инвентарь ва асбоб-ускуналарни хўжалик ташкилотлари ва маҳаллий Советлар ҳисобидан сотиб олишдан иборат зарарли практика ҳукм суриб келарди. Ҳозир бундай ҳолга чек қўйилмоқда. Чунончи, салкам бир миллион сўмлик моддий неъматлар ўз эгаларига қайтарилди. Беш юздан кўпроқ кондиционерлар, кўплаб гилам дорожкалари, мебель йиғмалари, телевизорлар, холодильниклар мактабгача болалар муассасаларига текинга берилди.

Уй-жойлар тўғрисидаги қонунларга асосланиб уй-жойлар тақсимотида ҳам тартиб ўрнатиляпти. Партия ходимлари учун мўлжаллаб Тошкентда қурилган 60 квартирали уй-жой биноси Улуғ Ватан уруши иштирокчилари ва инвалидларига берилди.

«Рашидов тупиклари» эндиликда йўқ. Ҳозир бу жойларда одамларга зарур муассасалар ишлаб турибди. «Обрў келтирадиган» объектлар — «меҳмонлар учун уйлар», ҳар хил қароргоҳлар ва меҳмонхоналар Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва инвалидлари учун касалхоналарга, болалар поликлиникалари ва шифохоналарга топширилди. Масалан, Қашқадарё область партия комитетининг реконструкциядан чиқарилган биносида болалар физиотерапевтик поликлиникаси иш бошлаб юборди. Бу ерда сув ва балчиқ билан даволайдиган шифохона қурилди. Ҳавза фойдаланишга топширилгач, жисмоний тарбия билан реабилитация қилиш маркази очилади. Тўрткўл район партия комитети меҳмонхонаси негизида болалар поликлиникасини очиш учун ишлар олиб борилмоқда. У шу йилиёқ фойдаланишга топширилади. Самарқанддаги «тупик» деб аталмиш жойга болалар касалхонаси кўчиб кирди.

Мазкур бино кенг кўламда қурилган бўлиб, унга ҳатто амирнинг ҳам ҳаваси келиши мумкин эди. Бухоро область партия комитетининг жиноий жавобгарликка тортилган собиқ биринчи секретари Каримов уйида болалар касалхонаси очилди. Ғиждувон район партия комитетининг собиқ биринчи секретари уйи ҳам касалхонага айлантирилди.

Тошкентдаги Анҳор соҳилида республиканинг собиқ раҳбарлари оиласи учун мўлжаллаб қурилаётган уй-жой биноси шаҳар уй-жой-коммунал хўжалиги бошқармасига топширилди. Свердлов, Ғаллаорол, Поп, Уйчи, Учқўрғон, Самарқанд, Хонқа, Ҳазорасп, Шовот, Қумқўрғон, Бўка, Оққўрғон, Ленин район партия комитетларининг янги бинолари қурилиши тугаллангач, болалар касалхоналари ва шифохона муассасаларига текинга берилди. Бир қатор районлар бирлаштирилиши муносабати билан ҳозир тугатиладиган район партия комитетларининг ўн иккита биносидан халқ хўжалигида ва социал соҳада фойдаланиш учун таклифлар тайёрланди. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳам биноларнинг бир қисмини умумхалқ фойдаланишига топширди. Масалан, собиқ иккита давлат чорбоғида ҳозирги пайтда «Қибрай» санаторийси ва болалар уйи ишламоқда.

Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишни ва соғлиқни сақлашнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашни янада яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу масалалар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюросида бир неча марта муҳокама этилди. Соғлиқни сақлаш муаммолари бўйича махсус ташкил этилган фавқулодда ҳукумат комиссияси қисқа муддат ичида соғлиқни сақлашнинг анчадан бери давом этиб келаётган нуқсонларини тугатиш борасида катта ишларни амалга оширди. Комиссия таклифига биноан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети «Бўшаб қолаётган маъмурий бинолардан биринчи навбатда соғлиқни сақлаш эҳтиёжлари йўлида фойдаланиш тўғрисида» қарор қабул қилдилар. Комиссия 400 тадан кўпроқ маъмурий бинони поликлиника ва касалхоналарга бериш имкониятини қидириб топди. Буларда 10 мингга яқин ўринли касалхоналарни ҳамда бир сменада 24 минг беморга хизмат кўрсата оладиган амбулатория-поликлиника муассасаларини жойлаштириш мўлжалланмоқда.

Бугунга келиб 170 дан зиёд медицина муассасаси илгари турли маҳкамалар ва ташкилотларга қарашли биноларга кўчиб кирди. Шу ўринда бир нарсани таъкидлаш лозим — асосий эътибор болаликни ва оналикни муҳофаза қилиш хизматига қаратилмоқда.

Жиззах областининг Октябрь районидан аҳолига медицина хизмати кўрсатиш ёмонлиги, соғлиқни сақлашнинг моддий базаси заифлиги хусусида кўплаб шикоятлар олинганди. Ишни ўнглаб олишнинг ажойиб резерви бор. Район агросаноат бирлашмасининг бўшатилган биноси ҳисоби ўзигагина қарийб 800 квадрат-метр жой олинди. Хоразм ва Бухоро область агросаноат комитетларининг собиқ бинолари болалар поликлиникаларига айлантирилди. Навоий область агросаноат комитетининг ётоқхонасида қон қуйиш станцияси иш бошлаб юборди.

Фарғона области собиқ раҳбарларининг ҳашаматли чорбоғи кардиология диспансерига айлантирилди. Қишлоқ хўжалик институтининг тугатилаётган филиали комплекси оналар ва болалар уйига топширилади.

Бироқ бир қатор жойларда ҳеч нима билан оқлаб бўлмайдиган сусткашлик аломатлари кўринмоқда. Тошкент марказидаги осмонўпар бинони республика диагностика-консультатив марказига бериш, уни техниканинг энг сўнгги ютуқлари билан жиҳозлаш ҳақида қарор қабул қилинганига ярим йилдан ошди. Бинонинг собиқ эгаси — республика Давлат агросаноат комитети Соғлиқни сақлаш министрлиги билан ҳамкорликда лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлади. «Главташкентстрой» бош пудратчи этиб тайинланди. Вақт ўтяпти, аммо иш олға силжиётгани йўқ. Халқимиз айтганидек, «оғзига солиб қўйса ҳам, чайнайдиган мард йўқ». Бу ўринда ҳам қандайдир чора-тадбирлар кўришга тўғри келадиганга ўхшайди.

Андижонликлар тажрибаси диққатга сазовордир. Область партия комитетининг сайи-ҳаракати билан областда хўжалик ҳисоби усулида 85 та қишлоқ врачлик амбулаторияси жадал қурилмоқда. Уларнинг қарийб ярмиси беморларни қабул қилишга тайёр. Энди республика Соғлиқни сақлаш министрлиги ва таъминотчи ташкилотлар уларга керакли ускуналарни етказиб беришлари керак.

Бухоро области партия комитетларида ҳам соғлиқни сақлаш эҳтиёжларини қондириш тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик кўрсатиляпти. Бу ерда хўжалик ҳисоби усули билан 67 та қишлоқ врачлик амбулаторияси ва фельдшерлик-акушерлик пунктлари бунёд этилмоқда. Афсуски, андижонликлар ва бухороликларнинг бу тажрибаси Қорақалпоғистон АССР, Сурхондарё, Жиззах ва Сирдарё областларида оммалаштирилаётгани йўқ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукумати аҳолининг малакали медицина хизматига бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш ҳамда соғлиқни сақлашнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш юзасидан бир қатор чора-тадбирларни кўрмоқда. Яқинда тўртинчи Бош бошқарманинг бир қатор объектларини барча штатли ходимлари, ускуналари ва медицина техникаси билан биргаликда шаҳар медицина шаҳобчасига бериш тўғрисида қарор қабул қилинди. Булар — Луначарское шоссесидаги типовой туғуруқхона, болалар бўлими, Фучик кўчасидаги поликлиника, яна бир поликлиника ва стационар ҳамда бошқа объектлардир. Бошқарма лимитидан мамлакат шифохоналарида даволаниш учун касаба союз ташкилотларига икки мингта йўлланма берилади.

Хуллас, XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида зўр куч билан жаранглаган ошкоралик ва демократиялаш жараёнининг муқаррар ривожланиб бораётганлиги бутун жамиятимизни инсонпарварлаштиришда ўз ифодасини топмоқда. Ҳа, партиявий таъсир имкониятлари бугунги кунда айнан социал соҳасини ривожлантиришга сафарбар этилаяпти.

З. ҲАЙДАРОВ,
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ишлар бошқарувчиси.

✦ ИНСОН ВА ТАБИАТ

Илон даласи ҳосили

Ёнғинга қарши ишлатиладиган сув насосини эслатувчи катта бўғма илон улкан қафасда ўралганча осойишта мудрарди. Ёнма-ён жойлашган ана шундай қафасларда ҳам ана шундай илонлар яшамоқда. Олисроқ жойда — ярим метрли цемент ҳавзаларда эса кичикроқ илонлар жойлаштирилган. Лекин улар жуда хатарлидир.

— Мана буниси, — деб кўрсатди Нгуен Ван Шинь, — «йигирма минутли», наригиси эса «ўн беш минутли».

Рақамлар беихтиёр кишини ана шундай судралиб юрувчилар билан учрашув фожиали тугаши мумкинлиги ҳақида ўйлашга мажбур этади. Чунки бу рақамлар қанча вақтда заҳар катта ёшли соғлом кишини ўлдириши мумкинлигини билдиради-да. Лекин одамлар илон заҳрининг андак миқдори оғу эмас, балки дори эканлигини ҳам кўпдан билишади. Шунинг учун ҳам Жанубий Вьетнамнинг Тьензянг вилояти маркази — Митходан ўн километр нарида ғайритабиий ферма пайдо бўлди.

Бу ферма 1977 йил октябрида қурилди. Унинг ташкилотчиси ва ферма эгаси — Вьетнам халқ армиясидир. Нгуен Ван Шинь эса бу ғайритабиий корхона директорининг ўринбосари, ҳарбий хизматчи, медицина хизмати майори.

— Бизга кекса кишилар, авлоддан авлодга ўтаётган халқ табобати тажрибаси жуда ёрдам берди, — дейди Нгуен Ван Шинь. — Бизлар билан чангалзорларда йигирма йиллаб бўлган собиқ партизанлар ўз билимларини ўртоқлашишди. Улар илонларнинг одатларини мукаммал ўрганишди. Уларнинг ёқтирадиган жойлари ва илон чаққанда ёрдам берувчи заҳарга қарши дори сирларини яхши билишади. Ҳозир кўпчилик илоншунослар ана шу жўн бўлмаган ишнинг чинакам усталарига айланишди.

Серпантарий «тарбияланувчилари»нинг фақат озчилик қисми қафаслар ва ҳавзаларда, илонларнинг кўпчилиги эса табиий шароитларга яқинлаштирилган шароитларда яшамоқда. Уларга ажратилган 40 гектар майдон ўт-ўландан иборат. У девор билан ўралган, кобра ва бошқа илонлар учун бетонли уялар тайёрланган. Бу «уйчалар» эса сирга эга: уларнинг «томи» осон олинади. Илон заҳари ҳосилини йиғиш пайти келганда, серпантарий ходимлари эҳтиёт чораларини кўргач, шовқин-сурон солган ҳолда майдон чети бўйлаб бир қаторда юра бошлайдилар. Бунинг учун барабанлар, шақилдоқлар ва консерва банкаларидан фойдаланилади. Хавф-хатарни сезган судралиб юрувчилар инларига кириб кетади. Ана шунда энг тажрибали илон тутувчилар уларни осонгина ушлайдилар.

— Таваккалчилик — касбимизнинг зарурий хусусиятидир, — ҳикоя қилади Нгуен Ван Шинь. — Лекин биз ҳеч қачон тажрибасиз одамни илон даласига яқин қўймаймиз. Фақат тегишли тайёргарликдан кейин. Шунинг учун бизнинг «илон хўжалигимиз» ишлаётган вақт мобайнида ферманинг бирорта ходими ҳалок бўлгани йўқ. «Тарбияланувчилар» ўз тишларининг ўткирлигини кўрсатган ҳоллар ҳам бўлди, ахир ҳар бир киши хато қилиши мумкин. Биз «қоқилган» илон овловчиларни тезда даволабгина қолмай, чор-атрофдаги жамоа ва уездлардаги уч минг етти юз деҳқонга ёрдам кўрсатдик. Улар чангалзорларда илонларга дуч келишганди.

Бир неча йил муқаддам фермада илон заҳарини қайта ишлаш цехи очилди. Вьетнам шифокорлари шарқ табобати усулларидан фойдаланиб бу ерда алоҳида рецепт бўйича турли дори-дармонлар ҳам тайёрламоқдалар. Улар асосан армия эҳтиёжлари учун фойдаланилмоқда, лекин очиқ савдога ҳам чиқарилади. Маҳсулотнинг бир қисми экспортга жўнатилмоқда.

Е. ЛЕНГ,
АПН ўз мухбири.
Хошимин.

НИЛДАГИ ҲАЛОКАТ

Италия сайёҳлари тушган «Нубия» кемаси Нил дарёсида сузиб, Асвондан Луксорга келаётганида, Эдфу шаҳридан сал нарида чўкиб кетди. МЕНА агентлигининг хабар беришича, 96 кишидан иборат пассажир ва экипаж аъзоларидан 62 кишини қутқаришга муваффақ бўлинди. Экспертларнинг маълумотларига кўра ва гувоҳларнинг айтишича, Нилда тўсатдан бошланган бўрон тўлқинни кучайтириб, ҳалокатга сабаб бўлган. Шунча кўп қурбон бўлишининг боиси шундаки, кўпчилик пассажирлар шамол тургани сабабли каюталардан паноҳ топган эдилар. Кема 30 секунд ичида чўкиб кетди.

(ТАСС).

АЪЛО СОРТЛИ

Наманган шойи ишлаб чиқариш бирлашмасининг Тоҳиржон Убайдуллаев бошлиқ тараш цехи коллективи июль ойида графикдан бир кун ўзиб кетди. Шу куни қўшимча тарзда 22 тонна аъло сортли маҳсулот тайёрланди. Барча маҳсулот биринчи тақдимдаёқ манзур қилинди.

Баҳодир Ғаниев бошлиқ бригада коллективи ва пилталовчи Ҳанифа Мамажонова, тараш машиналари оператори Зумрад Маъқулова хом ашё ҳамда иш вақтини тежаш мусобақасида ҳамкасбларига намуна кўрсатяпти.

Т. СУЛАЙМОНОВ.

• Қайта қуриш чорраҳаларида

ИШЧИ ЎРНИ ҚАДРИ

— Олаётган ойлик иш ҳақингизни етарли ҳисоблайсизми!

— Йўқ.

— Маошни кўпроқ берадиган бошқа корхонага ишга ўтмайсизми!

— Менга шу ер ёқади.

— Нима учун!

— Меҳнатим қадрли. Унумли ишлаш, кўнгилли дам олиш учун шароитлар муҳайё. Шундай ердан кетиб бўладими!

(Урганч ёғ-мой комбинатида бўлиб ўтган суҳбатдан)

Комбинатда хом ашё экстракциясида буғланган бензинни суюлтириб берадиган конденсатор ишдан чиқиб, бензин сарфи кўпайди. Бу маъмуриятни ўйлантириб қўйди. Чунки маҳсулот таннархи қимматлашиб кетади. Нима қилиш керак? Конденсатор ремонти учун эҳтиёт қисмлар йўқ. Янгисини олишнинг ташвиши кўп: чет элдан импорт қилинади.

Шунда рационализаторлар ёрдамга келишди. Ким Семён бошлиқ монтажчилар лойиҳаси асосида конденсатор ясалиб, цехга ўрнатилди. У тузилишига кўра авваргисидан содда, лекин сифатли ишлаяпти. Янги ускунанинг умри чет элникидан беш баравар узоқ бўлишига ваъда бердилар. Ўтмишдошидан уч баравар арзон бу конденсаторнинг техник қарови осон. Қўлбола конденсаторнинг яна бир афзаллиги шундаки, олдин бир тонна хом ашёни қайта ишлашга 25 литр бензин сарфланарди. Ҳозир эса шунча хом ашёни қайта ишлашга 9 литр бензин кифоя. Экстракция цехида иш шароити яхшиланди: ҳавоси тозароқ, ишлаш хавфсиз бўлиб қолди.

Бу корхона коллективининг тежамкорлик йўлидаги фаолиятидан бир лавҳа, холос.

— Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун цехларга ҳар йили кўплаб асбоб-ускуналар ўрнатяпмиз, — дейди комбинат бош инженери Ҳожиназар Отажонов. — Пресслаш цехида янги пресс ўрнатилганидан кейин қолдиқ маҳсулотдан ёғ олишимиз 1,5 процент кўпайди. Цехда механизация даражаси ҳам ошди. Натижада цех ишчиларининг тенг ярмисини қисқартириш имкони пайдо бўлди. Ҳозир цехда 42 киши ишлаяпти. Тайёрлаш цехи реконструкциясидан кейин шелухада атиги 1,5 процент, кунжарада 1 процент ёғ қоладиган бўлди. Ҳолбуки олдинлари бу маҳсулотларнинг ёғлилик даражаси 3-4 процентга яқинлашар эди.

Комбинатда кейинги уч йилда реконструкциялаш ишларига қарийб 3 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Истиқболни кўзлаб ўтказилган тадбирлар ишчи ўринларини қисқартириш имконини ҳам берди. Комбинатда 1984 йилда 1200 киши ишлаган бўлса, ҳозир 810 киши меҳнат қиляпти. Бу жараён осонлик билан ўтгани йўқ. Корхона маъмурияти ва партия ташкилоти малакали ишчилар, мутахассисларни сақлаб қолиш учун ишчи ўринлари ва ҳар бир ишчини аттестациядан ўтказди.

— Аттестация комиссияси, энг аввало, малакали, қайта қуришга ҳамнафас ишчиларнинг фаолиятини алоҳида ҳисобга олди, — дейди ёғ пиширувчи, область партия комитетининг аъзоси Дармонжон Одамбоева. — Чунки қайта қуриш ҳар бир ишчи, мутахассисдан ўз билими, малакасини тинмай ошириб боришни талаб қиляпти. Ўқиб-ўрганишдан четда, малакасини оширишга лоқайд айрим ёш ишчиларга мураббийлар бириктирилди. Аттестациядан ўтолмаганлар ишдан бўшатилди. Ёши етганлар пенсияга узатилди.

Энди корхонада ҳар бир ишчи ўрни қадрли. Ишчининг меҳнатига яраша баҳо бериш қарор топди. Уларнинг маошлари ўсиб боряпти: ўртача ойлик иш ҳақи 174 сўмни ташкил этади. Бу ресурслардан тежамли фойдаланиш, самарадорликни оширишга ҳам ёрдам бермоқда. Уч йилдан буён қабул қилинаётган чигит сифати қаттиқ текширила бошланди. Комбинатнинг меҳнат ветерани Мария Матвеевна Умерова, Улфат Бобоева раҳбарлик қилаётган лабораторияларнинг ходимлари фақат сифатли чигит қабул қилиниши чораларини кўряптилар. Сифат жонкўярларининг таклифи билан чигит ғарамларига ҳаво қувурлари ўрнатилди. Натижада хом ашёнинг намлиги янада камаймоқда. Шамоллатиш қувурлари ўрнатилмасдан олдин ғарамлар қизиб кетар, чигит чирий бошлар, ҳатто ёниб кетарди. Ҳозир эса бунга бутунлай барҳам берилди. Хом ашё ресурсларини асрашдаги бу тадбир — республикамизнинг бошқа турдош корхоналарида кенг жорий қилишга арзийдиган тажриба.

Ишлаб чиқаришга янги техникани, рационализаторлик таклифларини жорий қилишда корхонадагилар асосан ўз кучларига таянмоқда. Урганч шаҳар Советининг депутати Ким Семён бошлиқ монтажчилар бригадаси доимий изланишда. Слесарлардан Жуманазар Пирлиев, Ермак Дусикеев, Матрасул Ёқубов бригаданинг энг актив аъзолари. Улар қайси станок ёки механизм қандай ишлаётганини синчиклаб кузатишади. Ремонттталаб бўлса дарҳол чора кўрадилар. Комбинат уч сменада ишлайди. Бемаврид тўхтаган ҳар бир механизм корхонанинг иш режимига таъсир қилиши турган гап. Ускуналар соз ишлаши иш вақти, ёқилғи ва бошқа ресурслар тежалишига шароит яратмоқда.

— Монтажчиларимиз комбинатнинг томир уришини билишади, — дейди ишчи Зариф Собиров. — Уларнинг ўз ишларига виждонан муносабати цехимизда ёғ олинишини 95 тонна кўпайтиришга ёрдам берди. Шунга яраша олаётган мукофот пулимиз кўпайди, ишимиз енгиллашди. Монтажчилар фахримиз. Улар бошқа областлардаги турдош корхоналарнинг асбоб-ускуналарини монтаж қилишда ҳам фаол иштирок қилмоқдалар.

Корхона коллективи XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси қарорларига жавобан йилнинг етти ойи планини орттириб бажарди. Планга қўшимча 950 тонна ёғ, 610 тонна совун ишлаб чиқарилди. Меҳнат унумдорлиги ўтган йилнинг шу даврига нисбатан анча ўсди. Пландаги 700 минг сўм ўрнига 1 миллион 600 минг сўмлик фойда кўрилди. Бу — фойда олиш юзасидан йиллик план бажарилди, демакдир.

— Албатта, булар корхонамиз имкониятлар даражасида ишлаяпти, деган гап эмас. Агар маргарин, майонез, салат ёғи ишлаб чиқаришни йўлга қўйсак, маҳсулот учун комбинатда янги цехлар қурилиши, область агросаноат комитети томонидан 6-7 миллион сўмлик маблағ ажратилиши зарур, — дейди комбинат директори Тельман Мусаев.

Афсуски, комбинатга зарур маблағ ажратилмаяпти. Ҳисоблаб чиқилди: корхона ривожи учун сарфланадиган 6-7 миллион сўмлик маблағ бу ерда қўшимча 30-35 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятини яратади. Комбинат қозонхонасининг буғ бериш қувватини ошириш керак. Бундан 12 йил олдин ишга туширилган саноат узели қуввати бугунги кунда ёғ-мой комбинати бир маромда ривожланишига имкон бермаяпти.

Корхонада меҳнат шароитининг яхшиланганлиги инсон омилини активлаштирди. Коллективнинг дам олиши ва бўш вақтини мазмунли ўтказиш тадбирларига эътибор кучайтирилди. Бу ишчи ўрни қадрини янада оширди.

— Аттестациядан кейин бир қисм ишчи ўринлари қисқартирилди. Тўғрисини айтганда, уларга бу ердан кетиш оғир. Чунки корхонамизда унумли меҳнат қилишга, кўнгилли ҳордиқ чиқаришга қулай шароитлар яратилган, — дейди совун пишириш цехининг аппаратчиси Қадам Қутимов. — Масалан, комбинатнинг соғломлаштириш комплексида физкультура-спорт билан шуғулланиш мумкин. Физиотерапия кабинети ва 20 ўринли руҳий ҳордиқ хоналари ишлаб турибди. Ёзги-қишки чойхонамиз, 160 ўринли ошхонамиз бор. Комбинат қошида магазинлар, нон ёпиш цехи ишлаяпти. Вақти-вақти билан комбинат ёрдамчи хўжалигида етиштирилган гўшт давлат нархида сотилади, бепул сут берилади. Ишчи-хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш кескин яхшиланди.

Ишчи ҳақ. Икки йил давомида коллектив 88 квартирали иккита кўп қаватли уйни фойдаланишга қабул қилиб олди. Урганч шаҳри марказида комбинатнинг ихчам шаҳарчаси бунёд қилинмоқда. Ўтган йили бу ерда 280 ўринли болалар комбинатининг ишга туширилиши ота-оналар учун яна бир қулайлик яратди. 1986 йилда комбинатда уй-жой олиш учун 133 киши ҳисобда турар эди. Ҳозир рўйхатда 56 киши бор. Бу йил ва келаси йили жами 122 квартирали уйлар ва 10 та коттеж типидаги иморатлар ишга туширилиши планлаштирилган. Шунинг билан корхонада уй-жой муаммоси тўла ҳал қилинади.

Ишчи қадри ортяпти. Бунга жавобан у янада яхшироқ ишлаш, тежамлироқ иш тутиш, корхона тараққиётига муносиброқ ҳисса қўшишга интиляпти.

И. ШОМУРОДОВ,
Хоразм области.

• Сизга қандай хизмат кўрсатишяпти?

СИФАТИ ПАСТ ТАОМЛАР

Бизни завод партия комитети секретарининг ўринбосари Светлана Геннадьевна Арикьянц кутиб олди.

— Ҳозир тушлик маҳали, деди у. — Кута турамизми?

— Нега? Айни муддао-ку, — дедик биз. — Ошхонани кўрсак...

Секретарь ўринбосари тааажжубланганини яшира олмади.

— Ошхонанинг ишлаб чиқаришга нима алоқаси бор? — деди.

— Нега алоқаси бўлмасин. Ахир, ошхона ишчининг кайфиятини белгилайди-ку?

Ошхоналардаги тартиб ва таомлар сифатидан кўнгил тўлмади.

Корхона ва умумий овқатланиш цехи раҳбарлари билан қуюв цехи ошхонасига кирганимизда ишчилар бизни қуршаб олиб, ҳасрат қилишди.

— Таомларнинг сифатига ҳеч сон кирмади-кирмади-да, — деди 9-цех мисгари Анвар Сайфиддинов.

Шу цех электр пайвандчиси Наил Уразлин:

— Таомлар хилини кўпайтирмаса бўлмайди. Қачон қарасанг, котлет, борщ, — деди.

Ишчилар миллий таомлар йўқлиги, овқатланиш жойларининг санитария ҳолати қониқарсиз эканлиги ва бошқа камчиликлар ҳақида бир-бирига гал бермай гапиришарди.

— Гўшт кам, — деб жавоб берди шу масаладаги саволимизга ошхона мудири Норпўлат Азизов, — миллий таомлар тайёрлашни йил охиригача йўлга қўямиз.

«Ишлашни хоҳлаган имкон қидиради, хоҳламаган— баҳона». Бу нақлни заводда ҳамма тушунишига амин бўлдик. Аммо...

«Чирчиксельмаш» заводи умумий овқатланиш цехи раҳбарлари ишга астойдил жон куйдириш ўрнига малакали ошпазлар етишмаяпти, масаллиқлар билан ёмон таъминлашяпти, деб нолиб кун ўтказмоқдалар.

Бутун мамлакатга маълум ва машҳур заводда ошхоналар иши қониқарли эмас. Ундан ранжиётганлар кўп. Бешта ошхонанинг бирортасидан ҳам ишчилар хурсанд бўлишмаяпти. Ачинарли аҳволга барҳам бериш пайти келмадимикан?

С. ЖЎРАЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

• Газетхон мулоҳазаси

КЎНГИЛДАГИ ГАПЛАР

Биз, кексалар ўзаро суҳбатлашиб қолган пайтларимизда турли муаммоларни ўртага қўямиз. Шулардан бири Тошкентда транспорт қатнови масаласидир. Хўш, транспорт инсон учунми ёки инсон транспорт учунми? Ахир, меҳнат интизоми транспортчиларга ҳам алоқадор бўлса керак?!

Автобус кутишни айтинг. Ниҳоят, мана автобус ҳам келди. Йўловчилар урйиқит қилиб унга чиқа бошлайдилар. Биздек қариялар бир чеккада сурилиб қолиб кетаверади.

Автобусга бир илож қилиб чиқиб олдик ҳам... Бозор-ўчар қилиб, қайтаётган кишиларнинг қўлларидаги помидор, ўрик, шафтоли дегандай нарсалар эзилиб, устбошингизни булғайди. Ҳомиладор ва бола кўтарган аёлларнинг шўрига шўрва тўкилади. Қариялар эса сабр-тоқат билан бир амаллаб боришаверади. Ўриндиқларда эса эпчиллик қилиб ҳаммадан олдин автобусга чиқиб олган оппоқ қизалоқлар-у, тоғни урса талқон қиладиган йигитлар ўтиришибди. Жой бўшатиб нима қилишади?! Ахир, уларнинг жони ҳам жон-да! Мабодо бу гапимизга ишонмасангиз, 35-автобусга бир илож қилиб чиқиб кўринг. Республика рус тили ва адабиёти педагогика институтида таълим олаётган айрим талабаларнинг бераҳмликларини кўриб, ҳайратдан ёқа ушлайсиз.

Хўш, Тошкент шаҳри атрофига қатнайдиган автобусларда аҳвол қалай? Биргина мисол келтирамиз. Хоҳлаган кунингиз кечки соат саккизларда Келесга боринг. Бу ердан Тошкент томонга қатнайдиган олтита маршрутдаги автобусдан бирортасини ҳам топа олмайсиз. Шу ўринда: «Автобуслар қатновидаги бундай нуқсонларнинг сабаби нима?» — деган ҳаққоний савол туғилади. Бизнингча, автобазаларнинг раҳбарлари ўз ишчи ва хизматчиларига нисбатан назоратни бўшаштириб юборишган. Айниқса, диспетчерларнинг иши мутлақо талабга жавоб бермайди. Шу боисдан ҳам автобуслар гоҳ маршрутларда бир-бирларини қувлашиб, тўрнақатор қатнайди, гоҳ бутунлай йўқолиб кетади. Ҳа, оралиқ графигига қатъий риоя этилиши лозим. Ана ўшанда транспорт воситалари тиқилинч ҳам бўлмайди, бўм-бўш ҳам қатнамайди.

Шу ўринда унутиб қўйилган бир қоидани эслатиб ўтмоқчимиз. Одатда транспортнинг олдинги эшигидан фақат қариялар, инвалидлар ва болали аёллар чиқишарди. Мазкур қоидага ҳамма вақт қаттиқ риоя қилинарди. Бизнингча, яна шунга қайтиш керак.

Илгарилари транспорт ҳайдовчилар:

Ёшлар, орқа эшикдан чиқинглар! Қариялар, инвалидлар, болали аёлларга жой беринглар! — деб қайта-қайта эълон қилиб туришарди.

Нега энди шундай эмас?

Хуллас, одамларнинг ўз вақтида ишга қатнаши, биздек кексаларнинг мўлжаллаган жойига бемалол бориб-келиши транспортчиларга боғлиқ. Шундай экан, улар ўз ишларини давр талаб қилаётганидек қайта қуриб олишлари керак.

Ғ. ИСЛОМОВ,
Улуғ Ватан уруши қатнашчиси.

• ЯНА МАВЗУГА ҚАЙТИБ

ОРОЛСИЗ ОРОЛБЎЙИ БЎЛМАЙДИ

• СУВНИ ТЕЖАШ — АСОСИЙ РЕЗЕРВ.
• КОЛЛЕКТОР — ЗОВУР СУВЛАРИНИ ДАРЁЛАРДАН АЖРАТИШ ЗАРУР.
• ОНА ТАБИАТНИ МУСАФФО САҚЛАЙЛИК.

Орол денгизи ва Оролбўйи муаммоси кенг жамоатчиликни тўлқинлантириб келмоқда ва бу КПСС XIX Бутуниттифоқ конференциясида ҳам ташвиш билан тилга олинди. Ушбу муаммо билан боғлиқ масалалар оммавий ахборот ва пропаганда воситаларида, шу жумладан, марказий ва республика газеталари саҳифаларида баҳсларга сабаб бўлаётир.

Кейинги пайтларда эълон қилинган кўпгина мақолалар орасида эътиборимизни Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати К. И. Лапкин, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, республика Фанлар академиясининг вице-президенти, Қорақалпоғистон АССРда хизмат кўрсатган фан арбоби О. В. Лебедев ва техника фанлари кандидати, Беруний номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати В. А. Духовнийнинг «Совет Ўзбекистони» газетасининг 1988 йил 28 июнда босилган «Сувни тежаш — Оролнинг асосий резерви» сарлавҳали мақоласи тортди.

Биз ушбу мақоладаги сувни тежаш Оролнинг асосий резерви деган ғояни қўллаб-қувватлаймиз. Шу билан бирга биз ундаги Оролнинг қуриб бориши қонуниятли ҳол бўлиб, денгизни қутқариб қолишнинг иложи йўқ, унинг экологик омил сифатидаги аҳамияти унчалик катта эмас, деган фикрларнинг пардалаб берилганига эътиборни қаратдик. Афсуски, бундай фикр ҳозирги пайтда Оролбўйининг экологик аҳволи танг ҳолга келиб қолган, бутун регион эса экологик инқироз шароитида турган, бу нарса бориб-бориб экологик ҳалокат даражасига етиши мумкин бўлган бугунги кунда йирик олимлар томонидан ҳам билдирилмоқда. Муаллифларнинг бундай позицияси бизда қонуний равишда ташвиш уйғотмоқда.

Мақола муаллифлари қуйидагиларни таъкидлайдилар: «Ўрта Осиёда суғоришни ва сув хўжалиги қурилишини интенсив ривожланишини ҳавзадан сув олишни кўпайтирмай ва Оролга тушадиган сувни камайтирмай тасаввур этиб бўлмайди. Денгиз сатҳи пасая бошлагандан бери ўтган 26 йил ичида регион аграр секторининг маҳсулот ҳажми йилига 8 миллиард сўмга кўпайди, сув хўжалиги комплексининг ривожлантирилиши билан боғлиқ тармоқларни қўшиб ҳисоблаганда йилига 20 миллиард сўмликдан зиёдроқ кўпайди. Доимо камайтириб борилганда ҳам Оролнинг тақдири маълум эди — саноатнинг ўзидагина бундай камайиш қарийб икки баравар, энергетикада 1,5 баравар, қишлоқ хўжалигида 30 процент бўлди, хуллас, денгиз сатҳини табиий даражада сақлаш учун унга камида 60 кубокилометр сув тушиши талаб этиларди ва Сирдарё билан Амударёнинг юқорисидан олинувчи ҳар бир кубометр сув Оролдан ҳам олинганини билдирарди».

Ҳеч ким Ўрта Осиё шароитларида суғориладиган деҳқончилик самарадорлигига шубҳа билан қараган эмас. Боз устига бу ерда цивилизациянинг дунёга келишининг ўзи суғориладиган деҳқончилик билан боғлиқдир. Цивилизациянинг даражаси ва Ўрта Осиё республикаларининг қудрати суғориладиган деҳқончиликнинг ривожланиш даражаси ва гидротехник иншоотларни такомиллаштириш билан белгиланган. Айни пайтда улар суғориладиган деҳқончилик даражаси пасайиши ва гидротехник иншоотлар вайрон бўлиши билан боғлиқ эди.

Бироқ деҳқончиликни интенсивлаш ҳақида гап юритадиган бўлсак, у ҳолда ҳосилдорлик ошиши ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тўғрисида фикр юритиш лозим. Минг афсуски, Орол денгизи қурий бошлагандан бери суғориладиган деҳқончилик майдонлари кенгайди, аммо уларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашди. Тупроқ унумдорлиги йўқола борди, маҳсулдорлик камайди. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда шўрланган суғорма майдонлар 60 процентни ташкил этса, бу нарса Қорақалпоғистонда 80 процентга тўғри келади. Уч гектар суғорма майдон ўрта ҳисобда мелиорациялашган икки гектар нормал майдондан олинаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини бермоқда. Бу оддий таҳлил ўтган 26 йил экстенсив деҳқончилик даври бўлганлигини, янги ерларни ўзлаштириш кетидан қувиб, илгаритдан деҳқончилик қилиб келинган майдонларнинг унумдорлиги тўғрисида ғамхўрлик унутиб қўйилганлигини кўрсатмоқда. Ҳа, Орол экстенсив деҳқончилик қурбони бўлди.

Мақола муаллифларининг аграр сектордан олинаётган маҳсулот ҳажми 8 миллиард сўмликка кўпайганлигини таъкидлаш билан бирга нима учун ерларни ўзлаштиришга қанча капитал маблағ сарф қилинганлигини айтмасликларини тушуна олмадик. Қўриқ ерларни ўзлаштиришга, ирригация шохобчаларини бунёд этишга, йўллар ётқизишга, посёлкалар қуришга кетган ҳақиқий сарф-харажатларни билмай туриб, ана шу 8 миллиард сўмлик маҳсулот аҳамиятини тўғри баҳолаб бўлмайди.

Авторлар «Амударё мансабида Оролбўйининг халқ хўжалигига ва табиий комплексига етказилган умумий зарар 100 миллион сўмлик деб баҳоланмоқда», деб таъкидлайдилар. 1980 йил декабрида Нукус шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон ССР Фанлар академияси президиумининг сайёр мажлисида ҳамда «Орол денгизи ва Амударё мансаби муаммолари» мавзуидаги илмий-амалий конференцияда К. И. Лапкин Э. Д. Раҳимов билан қилган қўшма докладда қуйидаги рақамларни келтирди: «Тўғридан тўғри ва норматив лойиҳа ҳисоб-китоблари йўли билан ўтказилган таҳлиллар Оролбўйининг фақат Ўзбекистон қисмидагина етказилган иқтисодий зарар ялпи маҳсулот бўйича 600 миллион сўмликни, соф маҳсулот (миллий даромад) бўйича 300 миллион сўмликни, бутун Оролбўйи бўйича тахминан 0,18—1 миллиард сўмликни ташкил этмоқда», Олимлар конференциясида ишлаб чиққан тавсияномаларда денгизнинг қуриб бориши ва унинг табиий ресурсларидан фойдаланиш ёмонлашиши оқибатида 1990 йилга бориб, Амударё этакларида кўриладиган жами иқтисодий зарар йилига ялпи маҳсулот бўйича 500—600 миллион сўмликка етади. Сирдарё этакларида ва Тошовуз областида кўриладиган зарарлар қўшиб ҳисоблангандa бу кўрсаткич йилига қарийб 1 миллиард сўмликни ташкил этади. СССР Фанлар академиясининг География институти Орол денгизи қуриши билан боғлиқ табиий потенциалдан кўриладиган зарарни 7 миллиард сўм деб белгилади. Хўш, мақола муаллифлари айтган 100 миллион сўмни бунга қандай таққослаш мумкин? Авторлар бу маълум рақамларни нима учун тан олмаяптилар? Бир нарсага аминмиз. Улар етказиладиган зарар ҳажмини 100 миллион сўмлик қилиб белгилаб, илмий тадқиқотларнинг бошқа кўрсаткичларини ҳам шунга мослаштириб камайтиришга уринмоқдалар.

Улар туз ва чанг ёпириладиган майдонлар кенглигини унча катта эмас ва улар денгиздан 300 километр кенгликдаги майдон билан чекланади, деб айтиш учун ўзларида жасорат топдилар. Боз устига улар денгиз соҳилдан узоқлашган сари дастлабки йилларда туз ва чанг кўчиши анча тез бўлади, кейин эса бора-бора кучсизланади, дейишгача ҳам бормоқдалар. Бироқ, СССР Гидрометереология маркази маълумотларига кўра, қуриб бораётган денгиз тубидан кўтариладиган туз ва чанг шамол ёрдамида жанубий йўналиш бўйича 500 километргача учиб боради ва шарқий йўналишда Тошкент областининг Янгийўл районигача келиб етади.

Фараз қилайлик, мақола муаллифлари айтганидек, Орол денгизининг қуриган тубидан учириб борилувчи туз фақат 300 километр масофага тарқалсин. Хўш, бу камми? Бу — энг аввало Қорақалпоғистон АССР, Хоразм, Тошовуз ва Қизилўрда областларидир. Булар — инсон яшайдиган қадимий цивилизация марказлари бўлиб, уларда қарийб 3,5 миллион киши истиқомат қилмоқда, пахтанинг ўзидан 1 миллион тоннадан кўпроқ ҳосил олинмоқда.

Денгиз туби қуришининг фақат дастлабки йиллардагина туз ва чанг шамоли интенсив бўлади, дейиш ҳам ҳодисанинг асл моҳиятини билмаслик билан боғлиқдир. Аксинча, денгиз тубининг қуриган участкалари дастлабки йилларда нам бўлади ва етказилган зарар ҳажми унча кўп бўлмайди, дейишга ҳеч қандай асос бермайди. Бу даврда шўрланган зах сувлар ва батамом йўқолиб кетмайдиган денгиз сувлари буғланиши ҳисобига туз йиғилиши жадаллашади. Тузларни шамолнинг учириб кетиши тезлашиши кейинроқ — тўртинчи-еттинчи йилдагина бошланади. У зах сувлар сатҳи камайиши билан тупроқ қуришига боғлиқдир. Юмшоқ, аммо усти қатқалоқ шўрхок ерлар шаклланиш жараёнида ва қумлар учириб келтирилиши билан боғлиқ тупроқ ҳосил бўлиш жараёнида тузларни шамол учириши ўз чўққисига етади. Миллионлаб йиллар мобайнида тўпланган тузларнинг асосий қисмини шамол учириб бўлгандан кейингина бу ҳодиса заифлашади.

Муаллифлар ҳароратнинг 1,5—2 даража кўтарилиши ва ҳаво намлигининг пасайиши фақат чекланган майдондагина, 40-60 километр денгиз бўйидагина юз беради деб жамоатчиликни хотиржам қилишга уринмоқдалар. Агар уларнинг фикрига қўшиладиган бўлсак ҳароратнинг кўтарилиши ва ҳаво намлигининг пасайиши фақат соҳил бўйидагина, денгиз сувидан қуриган майдондагина кузатилмоқда. Шу ўринда муаллифлардан: яқин ўтмишда йилига салкам 60 кубокилометр суви буғланган Орол денгизи наҳотки денгиз бўйининг фақат энсиз майдонидагина намгарчилик ва ҳароратнинг барқарор бўлишини таъминловчи восита бўлган бўлса, деб сўраш жоиздир. Амударё этакларида яшовчи кишилар Оролга туташ икки буюк саҳро— Қизилқум ва Қорақумнинг куйдирувчи нафаси йилдан-йилга кучайиб бораётганлигини, бутун воҳага тарқалаётганлигини яхши биладилар. Чанг шамолларига қўшилиб юз минглаб гектар майдондаги қамишзорлар ва тўқайзорларнинг йўқ бўлиб кетиши оқибатида бу ердаги экологик ҳолат кескин ўзгарди ва икки буюк саҳронинг куйдирувчи нафаси янги-янги районларни ўз комига тортмоқда. Ана шу жараённи тўхтатиш учун мақола муаллифлари қандай кафолотларни бизга бера оладилар?

Авторлар фақат Амударё мансабигагина (денгизга эмас!) дарё ва коллектор сувларидан бор-йўғи 5 кубокилометргина сув бериш мумкин, деб тасдиқлайдилар. Хўш, бу ҳақиқатга яқинми? Ана шу сув билан дарё мансабида сўнаётган ҳаётни сақлаб қолиш мумкинми? Биз, бу жойнинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини бошида қандай бўлса шундайлигича тиклаш тўғрисида ҳали гапираётганимиз йўқ.

Шу нарса ҳисоб-китоб қилинганки, хўжаликларни омилкорлик билан юритсак, ҳар йили 30—35 кубокилометр сув бериш мумкин. У денгиз сатҳини 38—40 метр даражада ушлаб тура олади. Коллектор ва зовур сувлари денгизнинг сув ресурсларини тўлдириб туришда муҳим аҳамиятга эгадир. Мутахассисларнинг, шу жумладан В. А. Духовнийнинг («Проблемы освоения пустынь», № 6, 1984 йил) ҳисоб-китобига кўра Ўрта Осиё районларида ҳосил бўладиган коллектор-зовур сувларининг умумий миқдори 30—34 кубокилометрни ташкил этади. Шулардан фильтрлаш ва буғланиш мобайнида йўқотиладиган сувни ҳам ҳисоблаганда денгизга 20—25 кубокилометр сув берса бўлади. Коллектор-зовур сувларининг минераллашиш даражаси Орол денгизиникидан камдир. Шу боис денгизнинг биологик жиҳатдан ўзгаришига улар унчалик тўсқинлик қила олмайди. Коллектор-зовур сувларида анчагина миқдорда заҳарли химикатлар, далалардан ювилиб тушувчи минерал ўғитларнинг қолдиқлари борлиги ташвиш уйғотади, холос. Бу муаммони зараркунандаларга қарши биологик усулларни кенг қўллаш, ғўза баргини тўктиришнинг физик ва физиологик усулларини ишлаб чиқиш, ўғитлардан оқилона фойдаланиш йўли билан ҳал этиш мумкин. Колхозлар ва совхозлар заҳарли химикатларни қўлланмаслик ҳамда ўғитлардан оқилона фойдаланишда моддий манфаат кўришлари лозим.

Бироқ коллектор-зовур сувларидан оқилона фойдаланилмаяпти. Кўплаб кичик ва Сариқамиш, Арнасой каби бир қатор катта кўллар тўлатилмоқда. Коллектор оқавалари Қизилқум ва Қорақумга ташланмоқда. Уларнинг жуда оз қисмигина Оролга тушмоқда. Коллектор сувларининг асосий қисми Амударё ва Сирдарёга қайтариляпти.

Мутахассисларнинг, шу жумладан В. А. Духовнийнинг ҳисоб-китобига кўра ҳар йили Амударёга 7,5—8, Сирдарёга эса 13 кубокилометр коллектор-зовур сувлари тушяпти. Уларнинг минераллашиши 2—3 грамм туз миқдоридан ошмаяпти, (амалда эса 1 литр сув ҳисобига у 5—10 граммга чиқмоқда), деб фараз қилган тақдирда ҳам коллектор-дренаж сувлари Амударёга 15—23, Сирдарёга эса 26—36 миллион тонна туз тушади. Оқибатда дарё сувларининг шўрланиши ва ифлосланиши давом этади. Агар 1950—1960 йилларда Амударёнинг қуйи оқимидаги ҳар литр сувда 0,3—0,7 грамм туз бўлган бўлса, ҳозир у 1,3—2 граммга етмоқда. Айрим йилларда, баҳор пайтларида Амударё сувларида туз 2,0—2,8 граммни, Сирдарёда эса 3 граммни ташкил қилмоқда. Бунинг оқибатида Амударё ва Сирдарё ерларни шўрлантиришнинг энг кучли манбаига айландилар. Чунки, суғориладиган пахтазорнинг ҳар гектари йилига сувдан 15—30 тонна, шолизорлар эса 50—70 тонна туз оляпти. Бунга Орол денгизининг қуриб бораётган тубидан учириб келтирилаётган тузларни қўшинг.

Суғориладиган майдонларнинг шўрланиши коллектор-зовур шохобчалар борлигидан қатъи назар ҳалокатли миқдорга етмоқда. Бугунги пайтда яхоб суви берилмайдиган майдонлар жуда кам қолмоқда. Айни пайтда ерларга минераллашган дарё сувлари билан яхоб бериш кўзланган самарани бермаяпти. Бундай шарт-шароитларда яқин 10—15 йил ичида фақат Орол бўйидагина эмас, балки бутун Ўрта Осиёдаги суғориладиган экин майдонларининг асосий қисми ишдан чиқиши, бу том маънода ҳақиқий ҳалокатга айланиши мумкин.

Ҳақиқат шундаки, Амударё ва Сирдарё сувларининг тозалигини тикламасдан туриб, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, уларнинг унумдорлигини, ҳосилдорлигини ошириш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулоти сифатини яхшилаш мумкин эмас. Шу боис бесамара мунозараларга чек қўйиш керак. Бунинг устига КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Қорақалпоғистон АССРнинг социал ва иқтисодий ривожланишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида кўзда тутилгандек, коллектор-зовур сувларини зудлик билан дарёлардан ажратиш тадбирларини амалга ошириш лозим. Шу муносабат билан коллектор-зовур сувларини Оролга оқизиш фақат Орол ва Оролбўйи манфаатлари йўлидагина амалга оширилмаслигини, шунингдек, суғориладиган майдонлар унумдорлигини сақлаб қолиш, фақат Оролбўйини қутқариб қолиш учунгина бўлмаслигини унутмаслигимиз, айни пайтда бутун Ўрта Осиё цивилизацияси учунгина шундай қилиш кераклигини англаб етишимиз зарур.

Фақат Оролбўйида яшовчи биз олимларгина эмас, балки кўпгина мутахассислар ҳам коллектор-зовур сувларини Амударё ва Сирдарёни четлаб ўтиб Орол денгизига оқизиш кераклигини тасдиқламоқдалар. Юқорида тилга олинган сайёр мажлис ва илмий-амалий конференция қатнашчилари ҳам ана шундай хулосага келишган эди. Дарвоқе, К. И. Лапкин билан В. А. Духовний ҳам ана шу мажлисда фаол иштирок этган эдилар. Бу хулоса Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг 1986 йили Нукусда бўлиб ўтган сайёр сессиясида ўз таъсирини топди ва ривожлантирилди.

Суғориш шохобчаларини қайта қуриш, сувлардан оқилона фойдаланиш ва денгизга тозалаб қуйиш ҳисобига ҳар йили салкам 7—10 кубокилометр тоза денгиз сувини оқизиш мумкин. 1987 — 1988 йилларда ўтказилган тажриба шундан далолат бермоқда. Бунда 10—15 кубокилометрдан Амударё суви, шунингдек, 3—5 кубокилометр ер ости сувлари ва атмосфера ёғингарчиликлари денгизга қуйилди. Пировард натижада Орол денгизи суғориладиган деҳқончиликка зарар етказмаган ҳолда ҳар йили қарийб 30—35 кубокилометр сув олиши мумкин. Бунинг натижасида «Орол денгизи ва Оролбўйи» системаси қутқариб қолинади, денгизнинг шўрларини қабул қилувчилик функцияси тикланади, иқлимнинг янада ёмонлашиши тўхтатилади, денгизнинг қуриб қолган тубида ўсимликлар пайдо бўлиш жараёни яхшиланади, тузни шамол учириб кетиши хавфи камаяди. Агар балиқчилик учун баъзи мелиоратив ишлар амалга оширилса, Орол денгизининг Амударёга қуйилиши қисмида реконструкция ишлари бажарилса, денгизда яна балиқчилик билан шуғулланиш мумкин бўлади.

Биз бу фикрларни баён қилар эканмиз, биринчи навбатда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг 1986 йил Нукус шаҳрида ўтказилган сайёр сессиясининг далилларига, хулоса ва тавсияномаларига таяндик. Шулар асосида Орол денгизининг қуриб бориши ва Оролбўйининг саҳрога айланиши билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишни кўзда тутувчи ҳукумат ҳужжати тайёрланди. Биз мана шу ҳужжат ниҳоят қабул қилинишига, қонуний куч олиб Оролбўйини ва Оролнинг ўзини қутқариб қолиш ишларига янги омил бағишлашига катта умид боғлаяпмиз.

С. КАМОЛОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССРда хизмат кўрсатган фан арбоби.

С. ҚОБУЛОВ,
биология фанлари кандидати.

БУГУН—ФИЗКУЛЬТУРАЧИЛАР КУНИ

ОММАВИЙЛИК БАЙРАМИ

БУГУН ёшлик, гўзаллик ва мардлик байрами. Миллионлаб физкультурачилар ўз байрамларини сафларини кенгайтирган, маҳоратларини оширган ҳолда кутиб олмоқдалар. Стадионлар, спорт майдончалари, сув бассейнлари ҳар қачонгидан гавжумлашади. Жойларда қизиқарли мусобақалар, оммавий чиқишлар уюштирилади. Моҳир спортчилар намунали баҳсларда ўзларини кўрсатадилар.

Партия ва ҳукуматимиз аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, баракали меҳнат қилишига имкон яратиш учун ғамхўрлик қилиб келмоқда. Вазифа — физкультура ва спортни янада ривожлантириш ва оммавийлигига эришишдан иборат. Яқин йиллар ичида физкультура-спорт ва туризм ҳар бир совет кишисининг севимли машғулотига айланиши лозим. Спорт — туганмас тарбиявий имкониятга эгалиги билан диққатга сазовор. Спорт — ички ликбозлик, кашандалик ва безориликка қарши курашишда катта аҳамиятга эга. Спорт — дўстлик, ватанпарварлик ва интернационализм мактаби, тинчлик элчисидир.

Ўзбекистонда физкультура ва спорт ривожланишининг ўзига хос тарихи бор. Улуғ Октябрь революциясидан кейин Туркистон автоном республикасида жисмоний тарбия саломатликни мустаҳкамлаш, умумий гигиена қоидаларига риоя қилиш ҳамда ҳарбий-жисмоний тайёргарлик тарзида йўлга қўйилган эди. 1924 йилнинг охирларида Ўзбекистонда 30 мингга яқин физкультурачи борлиги қайд этилган. Йиллар ўтиб, аҳоли ўртасида физкультура ва спортни ривожлантириш, оммавийликка кенг йўл очиш, маҳоратли спортчилар тарбиялаш ишларига аҳамият берила бошланди. Ишчи ва хизматчилар, колхозчи-деҳқонлар спорт машғулотларига жалб этиладиган бўлди.

Биринчи марта бутун ўзбек спартакиадасини ўтказиш физкультурачилик ҳаракатини жонлантиришда алоҳида аҳамият касб этди. Бундай ўзига хос спорт байрамига тайёргарлик ишлари кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Спартакиада баҳсларида юқори натижалар қайд этилиб, маҳоратли ёшлар назарга тушди. 1936 йилдан бошлаб мамлакатда Бутуниттифоқ физкультурачилар куними нишонлашга қарор қилинди. Ўшандан бери ёшлар ўз байрамларини муносиб қаршилашга астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Мамлакатда физкультура ва спортни ривожлантириш аввало унинг моддий базасини мустаҳкамлашни тақазо этади. Республикамизда эса спортнинг 40 дан ортиқ тури билан шуғулланиш учун қулай шароитлар яратилган. Футбол, кураш, оғир атлетика, енгил атлетика, чавандозлик, бокс каби спорт турларига қизиқиш катта. Кейинги пайтларда регби, чим хоккей, фигурали учиш, елканли спорт, тоғ-чанғи спорти, бадминтон, бейсбол ва синхрон сузиш каби спорт турлари оммавийлашмоқда.

Бу сафарги физкультурачилар байрами энг йирик спорт анжумани — XXIV Олимпиада ўйинлари арафасида нишонланмоқда. Сеул шаҳрида байроғи кўтариладиган Олимпиада ўйинларига республикамизнинг 16 нафар кучли спортчиси шайланмоқда. Енгил атлетикачи Р. Гатаулин билан С. Усов, ака-ука курашчилар Махарбек ва Аслан Хадарцевлар, А. Фадзаев, чавандоз А. Танков, сузувчи С. Заболотнов, чим хоккейчи И. Давидов, В. Хамитов ва Н. Санковец каби спортчиларга катта умид боғлаб турибмиз.

Спорт мавсуми бошлангандан бери республикамиз моҳир спортчилари мамлакат Европа ва жаҳон чемпионатларида 19 олтин, 11 кумуш ва 13 та бронза медалларини қўлга киритдилар. Иқтидорли футболчи М. Қосимов билан моҳир волейболчи Н. Баженова ўсмирлар ўртасида ўтказилган Европа чемпионатларидан зафар билан қайтдилар.

Спорт халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнайди. Биз Қозоғистон ва Ўрта Осиё республикалари спортчилари ўртасида анъанавий учрашувларни кўпроқ ўтказишга эътибор бермоқдамиз. Қардош республикаларнинг спорт турлари бўйича командалари Ўзбекистон шаҳарларида йирик мусобақаларга ҳозирлик кўришяпти.

Ўзбекистон спортчиларининг халқаро мусобақаларда қатнашиши ҳам йил сайин кўпаймоқда. Ўтган етти ой мобайнида жаҳоннинг 17 мамлакатидан келган 244 нафар спортчи халқаро ўртоқлик учрашувларида қатнашди. Республикамизнинг 20 нафар спортчиси чет эл баҳсларида иштирок этишга муяссар бўлди. Мамлакат терма командаси составида эса 94 спортчимиз муваффақиятли иштирок этмоқда.

Шу кунларда чим хеккей бўйича Ҳиндистон аёллар терма командаси ўлкамизда меҳмон бўлиб турибди. Ҳинд хоккейчилари «Андижанка» ва «Политотдел» коллективлари билан ўртоқлик учрашувларида ўзаро баҳслашадилар. Олимпиада ўйинларига якунловчи ҳозирликни кўраётган Афғонистон терма командаси эса Тошкент шаҳар спорт базаларида шайликни тобига етказмоқда.

Физкультурачилар кунида мамлакатимиз, хусусан, республикамиз спортчиларига, миллионлаб физкультурачиларга жисмоний баркамоллик ва маҳорат пиллапоялариданг муваффақиятли ўтишларида зафар тилаймиз.

В. ФЕН,
Ўзбекистон ССР Физкультура ва спорт давлат комитети ранси ўринбосари.





● **ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ.** В. И. Ленин номидаги Олмалиқ кон-металлургия комбинатида «Дельфин» сузиш ҳавзаси очилиб, шаҳарликларнинг севимли жойига айланди. Иш сменалари тугагач, сузиш ишқибозлари бу ерга йиғилиб, чўмиладилар. Суратда: С. М. Киров номли ўрта мактаб 9-синф ўқувчиси А. Серенко, комбинат мис-бойитиш фабрикаси электриги Р. Мингалимов ва ремонт-механика заводи ЭҲМ созловчиси В. Барков бўш вақтларида зилол сувда сузиб, ҳордиқ чиқаришмоқда.

● **НАВОИЙ.** Зарафшон кон-металлургия комбинатининг соғломлаштириш маркази дастлабки мижозларини қабул қилди. Улар бу марказни, тренажер зали, сауна-ҳаммом, сузиш ҳавзаси ва дам олиш хонасини қуришда бевосита қатнашган ишчилардир. Суратда: тренажер залида машғулот пайти.

Г. Пун ва Ф. Қурбонбоев фотолари.

(ЎзТАГ).

Владимир Николаевич ПЕТРОВ

Навоий область агросаноат комитетининг раиси Владимир Николаевич Петров 1988 йил 11 августда тўсатдан вафот этди.

Владимир Николаевич Петров 1930 йил 23 ноябрда Қашқадарё областининг Қарши шаҳрида темирйўлчи оиласида туғилди. Меҳнат фаолиятини 1955 йилда Кармана машина-трактор станциясида бош зоотехникликдан бошлади. 1963 йилда партия ишига кўтарилди. Томди район партия комитетининг иккинчи секретари, Бухоро район колхоз-совхозлар бошқармаси партия комитети секретарининг ўринбосари бўлди. Конимех район партия комитетининг биринчи секретари, Бухоро область партия комитетининг иккинчи секретари қилиб сайланди. СССР «Главживпром» бошлиғининг ўринбосари, Кўлоб область гўшт чорвачилиги эксперимент-агросаноат бирлашмасининг бош директори, Навоий паррандачилик фабрикасининг директори бўлиб ишлади. 1986 йилдан умрининг сўнгги кунларигача Навоий область агросаноат комитетини бошқарди.

В. Н. Петров партия, совет ва хўжалик ишларининг барча соҳаларида ўзига хос фидойилик, юксак масъулият, ғоят омилкорлик билан меҳнат қилган, партия аграр сиёсатини рўёбга чиқаришда қатъийлик кўрсатиб келган, ўзига талабчан ва одамларга ғамхўр эди.

В. Н. Петров Ўзбекистон ССР, Тожикистон ССР Олий Советларининг депутати қилиб сайланган, Навоий область партия комитетининг аъзоси эди.

Коммунистик партия ва Совет давлати олдидаги хизматлари учун у Октябрь Революцияси ордени, икки Меҳнат Қизил Байроқ ордени, «Ҳурмат белгиси» ордени, медаллар билан мукофотланган эди.

Владимир Николаевичнинг порлоқ хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланади.

БИР ГРУППА ЎРТОҚЛАРИ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

56-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

йигирувчи, тўқувчи, калаваловчи, хом ип тайёрловчи, ип эшувчи, тароқловчи, ўровчи касблари бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 1—3 йил.

Ўқишга 8—10 синф маълумотига эга бўлган қизлар қабул қилинади.

Ўқиш даврида 3 йил таълим оладиган ўқувчилар бепул иссиқ овқат, кийим-бош; 10-синфни битириб ўқишга кирган ўқувчилар ойига 30 сўм стипендия ва база корхона ҳисобидан қўшимча 40 сўм устама ҳақ билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида барча ўқувчиларга иш ҳақининг 50 проценти тўланади.

3 йил таълим олган ўқувчилар билим юртини тугатгач касб ўрганиб чиқиш билан бирга тўлиқ ўрта маълумот оладилар, билим юртини аъло баҳолар билан тамомлаган ўқувчиларга техникумлар ва олий ўқув юртларига имтиёзли шартлар билан ўқишга киришлари учун йўлланма берилади.

Ўқиш даври доимий меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади. Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Билим юрти ўз ётоқхонасига, спорт комплексларига эга, техника ижодиёти, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ишлаб турибди.

Билим юртига ўқишга киришни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт: ариза, маълумот ҳақидаги ҳужжат, медицина справкаси, 6 дона фотосурат (3х4 см. ҳажмида), характеристика, яшаш жойидан справка.

Аризалар ҳар куни соат 9 дан 18.00 гача қабул қилинади.



МАШҒУЛОТЛАР — ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАШУВИГА ҚАРАБ БОШЛАНАДИ.

Адрес: 700198, Тошкент шаҳри, Сергели райони, Қўйлиқ массиви, 5«Б» квартали, 51-уй (37э, 45, 55, 104, 111-автобуслар; 26-трамвай; 11, 30, 31-маршрутли автобусларнинг «Диспетчерская» бекати).

Телефонлар: 90-61-11, 90-19-81, 90-60-09, 90-62-24.

●

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги

ҲАМЗА НОМЛИ САНЪАТШУНОСЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

қуйидаги мутахассисликлар бўйича

АСПИРАНТУРАГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Театр санъати, мусиқа санъати, кино санъати ва телевидение, тасвирий санъат, манзарали ва амалий санъат, архитектура назарияси ва тарихи.

ҲУЖЖАТЛАР 1 ОКТЯБРГАЧА ҚУЙИДАГИ АДРЕСДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ: 700029, Тошкент шаҳри, Намойишлар хиёбони, 2-уй. Справкалар учун телефон: 39-46-77.

● *Эшиколди майдонча*

ШАРОИТ БОР-У, АММО...

✦ СПОРТ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ КОМПЛЕКСИГА ЭЪТИБОРНИ ҚАРАТИШ — МАРОҚЛИ ДАМ ОЛИШНИНГ ОМИЛИ

ТОШКЕНТ трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли 2-депо шаҳарликларга транспорт хизмати кўрсатувчиларнинг йирик масканларидан ҳисобланади. Депо дарвозасидан кетма-кет чиқиб турган юзлаб троллейбус шаҳар кўчаларини бўйлаб ҳаракатни шу ердан бошлайдилар. Кейинги пайтларда депо ишчиларининг бўш вақтларини маъроқли ва мазмунли ўтказишларига ҳам аҳамият берилмоқда. Шу йил баҳорида спорт-соғломлаштириш комплекси қуриб, фойдаланишга топширилди. Сауна-ҳаммом, тренажёрлар, дам олиш хоналари диққатга сазовор. Дид билан безатилган хонага аквариумлар, рангли телевизор, шахмат-шашка ва бошқа жиҳозлар қўйилган. Бир қарашда ишчиларга қулай шароит яратилгандек кўринади.

— Бу ерда дам олаётган ишчилар кўринмайди-ку!

— Ҳозирча шундай бўлиб турибди, — дейди спорт инструктори Н. Раҳмонова.

— Бундан ташқари, дам олишни ихтиёр этганларни медицина кўригидан ўтказишдек юмушлар ҳам бор.

Қизиқ, соғломлаштириш комплекси ишга туширилганига беш ойдан ошди. Наҳотки, бирор ишчи бу ерда чўмилиб, ҳордиқ чиқаришни хоҳламаган бўлса.

— Бизда бунақанги комплекс ва сауна-ҳаммом борлигини яқиндагина эшитдим, — дейди троллейбус ҳайдовчиси К. Яхёев. — Бироқ комплекс ишини «зиёрат» қилишнинг имкони бўлмаяпти. Боиси, қачон келсам, эшикка катта қулф осилганини кўраман.

— Карим аканинг гапларида жон бор, — дейди слесарь-ремонтчи Э. Тўхтабоқиев. — Тўғриси, сауна-ҳаммом борлигини депо ишчилари билишади. Лекин ундан фойдаланиш ҳақида ҳавас қилмай қўя қол, дейишади. Сабаби, у ерга қўйишмаяпти. Спорт инструкторининг гапига қараганда, сауна-ҳаммомга врачнинг алоҳида рухсатномаси даркор эмиш.

Ҳаммомга кириш учун врач рухсатномаси зарур экан, у ҳолда дам олиш хоналари нега гавжум эмас. Балки бу ерга ҳам «руҳсатнома» керакдир. Балки троллейбус ҳайдовчилар эндигина қурилаётган душхона ва буғхонадан фойдаланишар. Умуман, депода ишчи ва хизматчиларнинг дам олишлари учун яратилган шароитлар «хўжакўрсин» қабилида бунёд этилганга ўхшайди. Ўйлаймизки, троллейбус ҳайдовчиларининг ҳақли эътирозлари мутасаддилар томонидан эътироф этилиб, ўзига хос муаммо ижобий ҳал қилинади.

Р. БОБОМУҲАМЕДОВ.

● *Шахмат бурчаги*

ИБРАТЛИ ФАОЛИЯТ

ХАЛҚАРО АРБИТР М. МУҲИДДИНОВ БОШҚАРАДИ

Ички мазмунидан табиий пардоз топган ўйинлари билан шахмат оламини ҳаяжонга солган, ларзага келтирган америкалик гроссмейстер Роберт Фишер бу яқин орада тожни ундан ҳеч ким ололмаслигини айтишга айтди-ю, бироқ кўп ўтмай... ғойиб бўлди. Шахмат санъатини чинакам омма мулкига айлантириш хусусида бирон-бир арзигулик таклифлар киритиш ёки ўзи ташаббус кўрсатишга улгургани ҳам йўқ. Ўшанда у 30 ёшларда эди.

Гарри Каспаровчи? 25 баҳорни кўрмай турибоқ ҳам ажойиб ўйинлари билан, ҳам замонга монанд ташаббусу амалий фаолияти билан мухлислар кўнглини топмоқда.


Бундан икки-уч ой муқаддам уч карра жаҳон чемпиони Гарри Каспаров бир қанча мамлакатларга сафар қилди. Аввало Франциянинг жанубига, Ўрта ер денгизи қирғоғида жойлашган Канн шаҳрида бўлди. Анъанавий халқаро кинофестивалларга ўтадиган бу сўлим шаҳар шахмат тарихида биринчи бор ташкил этилган космик сеанс маркази сифатида танланган эди.

Жаҳон чемпиони Ер шарининг беш қитъасидан келган ўн нафар ёш шахматчи билан «учрашди». Бу ғаройиб бир йўла ўйин сеансида белгиялик, америкалик, канадалик, австралиялик, япониялик, англиялик, африкалик, швейцариялик ва москвалик учта халқаро мастер, учта ФИДЕ мастери ва тўртта миллий шахмат мастерлари қатнашдилар. Уларнинг биттаси Д. Северейд (АҚШ) — хотин-қизлар ўртасида халқаро мастер. Дарвоқе, вақт контроли ҳам одатдагидан ўзгачароқ эди — 50 юришга 2,5 соатдан вақт берилганди. Ўта замонавий компьютерлар сунъий ер йўлдошлари орқали информацияларни зудлик билан етказиб турдилар. Франциянинг оммавий ахборот воситалари бу воқеани кенг ёритди. Чунончи, Франция телевидениесининг биринчи программаси «шахмат ўйини халқаро сеанси»га бир соатча вақт ажратди.

Бизнинг кузатув пунктимиз Москвада, Рождественский хиёбонидаги 21-уйда — Бутуниттифоқ болалар «компьютер» клубида жойлашган эди. Аста-секин бу ерга ўрнатилган ўнта компьютерда (уларни клуб президенти Г. Каспаров ҳадя қилган!) ҳамма партиялардаги юришлар пайдо бўла бошлайди. Кўп ўтмай деярли барча тахталарда оқ доналарни «сураётган» Каспаровнинг устунлиги сезила боради. Беш соатлардан сўнг ҳисоб унинг фойдасига 5:0 га чиқади. Ҳар қалай битта ўйинда сеансчи мағлуб бўлади. Ғолибнинг исми шарифи М. Адамс (Лондон) бўлиб, у 16 ёшгача бўлган шахматчилар орасида жаҳон вице-чемпионидир. Умумий ҳисоб Каспаров фойдасига 8,5:1,5 бўлади. Олти ярим соатлик қизғин курашлардан сўнг яна ярим очкони «юлиб» олган шахматчи москвалик Миша Улибин бўлди. Ўша ўйиннинг охирги қисмини келтирамиз.

Г. Каспаров—М. Улибин

Инглизча бошланишнинг актуал варианти қўлланган бу партияда қораларнинг 30-юришидан сўнг шундай вазият юзага келди:



30.f4. Каспаровнинг бу юришини ҳеч ким кутмаган эди. Ҳар қанақа шахматчи бундай дадилликни ҳад қила олмайди: шоҳи очилиб кетяпти!

30...Фе6 31.g4 g5 32.Лс4 Лd6 33.Ла4 c4 34.bc dc 35.Л:d6 К:d6 36.Фd4!gf 37.Ф:t4 Лg6 38.g5 Фf5 39.Ф:f5 К:t5 40. Л:c4. Шу ерда жаҳон чемпиони дуранг таклиф этади, Улибин дарҳол унга кўнади.

Дарҳақиқат 40...К:e3 41. Лс5 К:g2 42. Кр:g2 f6 43. Л:a5 fg дан кейин барча кураш ресурслари тугайди. Диаграммадаги позицияни ўзингиз такроран кўриб чиқинг.

ФУТБОЛ:

ТАЙЁРГАРЛИК

17 август куни Финляндиянинг Турку шаҳрида фин футболчилари СССР терма командасини қабул қилишади. Европа биринчилигининг кумуш медали соҳиблари — совет футболчилари учун бу ўйин жиддий синовлар олдидан ўзига хос кўрик бўлади. 31 августда мамлакатимиз терма командаси 1990 йилда ўтказиладиган жаҳон биринчилиги учун саралаш учрашувларининг дастлабкисини ўтказади. Мамлакатимиз вакиллари Исландия футболчиларининг меҳмони бўлишади. Группада бу икки коллективдан ташқари Австрия, ГДР ва Туркия командалари ҳам бор.

ПЕШҚАДАМЛАР БАҲСИ


Эртага иккинчи лига 7-зона коллективлари 24-тур ўйинларини ўтказишади. Фарғонада пешқадамлар — «Косонсойчи» ва «Нефтяник» командаларининг учрашуви турнинг марказий баҳси бўлади. «Косонсойчи» турнир жадвалини бошқариб келяпти. Унинг ҳисобида 32 очко бор. «Нефтяник» эса бир очко кам тўплаган. «Соҳибкор» футболчилари 29 очко билан учинчи ўринни эгаллаб туришибди.

* * *

Узбекистон чемпионати давом этаётир. Биринчи группада Тошкент области Чирчиқ шаҳрининг «Сельмашчи» командаси барчадан олдинда бораётир. 18 учрашувнинг 14 тасида ғалаба қозонилди. Наманган областининг «Норин» командаси эса 26 очко билан иккинчи ўринда бораётир. Иккинчи группада эса Тўрақўрғоннинг «Ёшлик» командаси пешқадам. Команда 30 имкониятдан 25 очко жамғарган.

Редактор ўринбосари Т. НАЖМИДДИНОВ.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ
(«Советский Узбекистан»)
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР
Издается на узбекском языке



Редакция адреси: 700083, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими телефонлари — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

● *Тингланг, томоша қилинг*

13 АВГУСТ, ШАНБА

МТ-I. 7.00 — «120-минут». 9.00 — Нега ва нима учун? 9.30 — Ҳужжатли фильм. 10.25 — Халқ оҳанглари. 10.40 — Олий сценария курслари битирувчилари ҳақида кўрсатув. 11.35 — Уй академияси. 12.05 — Социализм мамлакатларида. 12.35 — Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун. 13.05—Халқаро фольклор фестивали. 16.35 — Дунё воқеалари. 16.55 — Ҳайвонот оламида. 17.55 — Ҳужжатли фильм. 19.00 — Халқаро программа. 20.00 — «Тайга империторининг инқирози». Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.00 — Қайта қуриш прожектори. 22.10 — Катталар учун мультфильм. 22.45 — 1988 йил кўшиқлари. 23.40 — Янгиликлар.

МТ-II. 8.30 — Гимнастика. 8.45 — Илмий-оммабоп фильмлар. 9.20 — Ҳар соҳадан бир шингил. 9.30 — Телевизион театр абонементи. 10.30 — Болалар китоблари безаклари. 11.30 — Яил фасллари. 12.30 — Ҳар соҳадан бир шингил. 12.35 — Қайта қуриш ва ҳуқуқ. 12.50— Болалар китоблари безаклари. 13.00 — Совет поэзияси. 13.50 — Болалар китоблари безаклари. 13.55 — Дин ва жамият. 14.25 — Мўъжизасиз мўъжизалар. 15.25 — Ҳужжатли фильм. 15.55 — Мультфильм. 16.15 — «Қизил бодрезак». Бадиий фильм. 17.50 — Музикали портрет. 18.25 — Мультфильмлар. 18.50 — «Экран» ижодий уюшмаси намойиш этади. 19.50 — СССР халқ артисти И. Богачева концерти. 20.25 — Ҳужжатли фильм. 20.35 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.50 — Пора. 21.20 — Қайта қуриш прожектори. 21.30 — Время. 22.00 — Футбол. СССР чемпионати. «Спартак» — «Динамо» (Москва). 22.45 — Чет эл фильмлари экрани. 00.05 — Янгиликлар.

УзТВ-I. 8.00 — «Ассалому алайкум». 9.30 — Шанба экрани. 10.00 — Даволаш физкультураси. 10.10 — «Биринчи қалдиргоч». Кинокомедия. 11.25— Ёшлик. 12.10 — Инсон ва табиат. 12.40 — Дўстларимиз куйлари. 12.50 — Мультфильм. 13.10 — Қайта қуриш йўлида. 14.10 — Пойтахтимиз меҳмонлари. 18.10 — Мультфильм. 18.20 — Цирк. 19.00 — Бугун— Физкультурачилар куни. 20.00 —Ахборот. 20.20 — Телефильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.00 — Қайта қуриш прожектори. 22.10 — Хат ва ҳаёт. 22.50 — Кино.

РАДИО

Биринчи программа. 8.30 — Ўзбек халқ қўшиқлари. 9.30 — Тошкент ҳақида қўшиқлар. 10.15—«Гулшан» радиожурнали. 11.30 — Ёшлик. 12.10 — Строитель Узбекистана. 12.30 —Бахтимизни куйлаймиз. 12.50 —Шеърий лаҳзалар. 13.00 — Ўзбекистон чорвадори. 13.30— Хатларингизни ўқиб. 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш. 15.30 —«Вали ботир». Кўғирчоқ театр спектакли. 16.00—Совет Иттифоқига ҳизмат қиламан! 17.00 — Музикали радио почта. 18.15— Фан уфқлари. 18.30 — Физкультурачилар, Сизлар учун. 19.20— Ёшлик. 19.50 — Халқаро оқшомида 22.45 — Чолғу куйлари. 23.00 — Оқшом тўлқинларида.

Ўзбекистон телевидениесининг ижодий коллективи ҚҚАССР ва областлар мухбирлар пункти бўлимининг мудири Р. Акмеевга онаси

Мастура АКМЕЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон театр арбоблари союзи правлениеси союз аъзоси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист

Назрулла ЕҚУБОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Р. — 09949. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. А. — 185. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12